# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
# ҲИСОБ ПАЛАТАСИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА
# Х У Л О С А

Тошкент - 2020 йил

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ҳисоб палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексининг 167-моддасига асосан, Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни Ҳисоб палатага ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **5 апрелигача юборилиши белгиланган**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 10 апрелдаги 02/1-4774-сонли хат билан Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йиллик ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ўтказиш ва баҳолаш учун юборилган бўлиб, Ҳисоб палатага 14 апрелда белгиланган муддатдан **9 кун кечиктириб киритилган**.

Коронавирус пандемияси сабабли Республикада карантин жорий этилганлиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳисобот электрон шаклда тақдим қилинганлиги сабабли ташқи аудит ва баҳолаш ўтказиш бўйича назорат тадбири Молия вазирлиги ва Ғазначилиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар томонидан тақдим этилган маълумотлар танлов йўли билан ўзаро солиштириш ва таҳлил орқали масофавий тарзда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказиш натижасида мазкур хулоса тайёрланди.

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ 2019 ЙИЛДАГИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИНИ ТАШҚИ АУДИТИ НАТИЖАЛАРИ

## I. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАД ҚИСМИНИНГ ИЖРОСИ

### *Давлат бюджети даромадлари, белгиланган прогноз кўрсаткичлари ва уларнинг ижроси*

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети даромадларининг 2019 йил учун тасдиқланган прогноз кўрсаткичи *(давлат мақсадли жамғармаларисиз)* **102 627,6 млрд.сўм**ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилги даромадлар *(давлат мақсадли жамғармаларсиз)* ижроси **112 165,4 млрд.сўм** бўлиб, тасдиқланган режага нисбатан **9 537,8 млрд.сўм** кўп ёки **109,3 фоиз**ни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2019 йилдаги даромадлари тўғрисида маълумот

млрд.сўм

| Кўрсаткичлар | Прогноз | Ижро | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|
| | | | сумма | фоиз |
| **Даромадлар, давлат мақсадли жамғармаларисиз - жами** | **102 627,6** | **112 165,4** | **9 537,8** | **109,3** |
| Давлат солиқ қўмитаси тушумлари | 75 095,2 | 83 357,4* | 8 262,2 | 111 |
| Давлат божхона қўмитаси тушумлари | 14 823,6 | 17 128,0 | 2 304,4 | 115,5 |
| Молия вазирлиги тушумлари | 12 708,8 | 11 680,0 | -1 028,8 | 91,9 |
| **Бевосита солиқлар** | **27 206,8** | **31 676,8** | **4 470,0** | **116,4** |
| Юридик шахслар фойда солиғи | 13 883,5 | 16 360,6 | 2 477,2 | 117,8 |
| Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 1 222,1 | 1 988,7 | 766,6 | 162,7 |
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 11 533,7 | 12 668,5 | 1 134,8 | 109,8 |
| Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ | 567,5 | 658,9 | 91,4 | 116,1 |
| **Билвосита солиқлар** | **45 951,1** | **46 427,2** | **476,1** | **101** |
| Қўшилган қиймат солиғи | 34 973,5 | 33 809,8 | -1 163,7 | 96,7 |
| Акциз солиғи | 8 958,9 | 10 314,7 | 1 355,8 | 115,1 |
| Божхона божи | 2 018,8 | 2 302,7 | 283,9 | 114,1 |
| **Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи** | **17 841,3** | **19 680,7** | **1 839,5** | **110,3** |
| Мол-мулк солиғи | 1 822,6 | 2 360,2 | 537,7 | 129,5 |
| Ер солиғи | 1 812,3 | 2 313,2 | 500,9 | 127,6 |
| Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 13 938,9 | 14 692,8 | 753,9 | 105,4 |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 267,5 | 314,5 | 47,0 | 117,6 |
| **Қўшимча фойда солиғи** | **130,0** | **107,9** | **-22,1** | **83** |
| **Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар** | **11 498,5** | **14 272,8** | **2 774,3** | **124,1** |

*Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сонли ҳамда 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сонли қарорига асосан 520,6 млрд.сўмлик давлат улушлари бўйича дивиденд ва давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан Давлат бюджетига ажратмалар Молия вазирлиги даромадлар таркибидан давлат солиқ идоралари даромадлар таркибига ўтказиб берилган.*

2019 йил якунида Давлат бюджетига ҳақиқатда **112 165,4 млрд.сўм** даромадлар ундирилиши таъминланиб, шундан солиқ органлари томонидан **83 357,4 млрд.сўм** *(умумий даромаднинг 74,3 фоизи)*, божхона органлари томонидан **17 128,0 млрд.сўм** *(15,3 фоиз)*, Молия вазирлиги томонидан **11 680,0 млрд.сўм** *(10,4 фоиз)* миқдоридаги тушумлар таъминланган.

Солиқ органлари томонидан Давлат бюджетига ундирилиши лозим бўлган солиқ ва тўловлар бўйича 75 095,2 млрд.сўм прогноз белгиланиб, амалда 83 357,4 млрд.сўмга ёки 8 262,2 млрд.сўмга кўп *(111 фоиз)* бажарилган.

Божхона органлари ваколатидаги Давлат бюджетига тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича 14 823,6 млрд.сўм прогноз белгиланиб, амалда 17 128,0 млрд.сўмга ёки 2 304,4 млрд.сўмга кўп *(115,5 фоиз)* бажарилган.

**2.** Давлат бюджети даромадлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг бюджетлар кесимидаги ижроси таҳлил қилинганда, Ўзбекистон Республикаси республика бюджети даромадлари бўйича белгиланган 72 777,3 млрд.сўм прогноз амалда **77 031,2 млрд.сўмга** ёки 4 253,9 млрд.сўмга *(105,8 фоиз),* Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари даромадлари бўйича 29 850,3 млрд.сўм белгиланган прогноз амалда **35 134,2 млрд.сўмга** ёки 5 283,9 млрд.сўмга *(117,8 фоизга)* орттириб бажарилганлиги маълум бўлди.

Давлат бюджети даромадлари бўйича прогноз кўрсаткичларининг бюджетлар кесимидаги ижроси

млрд.сўм

| Кўрсаткичлар | Тасдиқланган параметр | Амалдаги тушумлар | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|
| | | | сумма | % |
| **Даромадлар - жами**<br>*шу жумладан:* | **102 627,6** | **112 165,4** | **9 537,8** | **109,3** |
| Ўзбекистон Республикаси республика бюджети | 72 777,3 | 77 031,2 | 4 253,9 | 105,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари | 29 850,3 | 35 134,2 | 5 283,9 | 117,7 |

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорига асосан 2019 йил давомида солиқ тушумлари бўйича белгиланган чораклик прогноз кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 127–моддасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари ўз бюджетларининг баланслилиги бузилишига ва Давлат бюджети тақчиллигининг тасдиқланган чекланган миқдори ошишига олиб келадиган тегишли бюджет даромадларини қисқартиришга ёки харажатларини кўпайтиришга қаратилган қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

Даромадларни 2019 йил учун тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига I - IV чораклар давомида ўзгартиришлар киритилган, натижада йиллик прогноз кўрсаткичи 13 та ҳудуд бўйича жами 1 188,0 млрд.сўмга **камайтирилган,** 1 та ҳудуд бўйича 336,6 млрд.сўмга, Давлат солиқ қўмитаси назоратидаги солиқлар бўйича 356,8 млрд.сўмга **оширилган** *(ҳудудлар бўйича қайта тақсимланган).*

Молия вазирлиги томонидан Давлат солиқ қўмитасига етказиб берилган дастлабки прогноз кўрсаткичлари *(75 589,9 млрд.сўм)* **494,7 млрд.сўм**га камайтирилиб, аниқланган прогноз кўрсаткичи **75 075,2 млрд.сўм** этиб белгиланган.

Давлат солиқ қўмитасига етказиб берилган бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари ўзгариши

млрд.сўм

| **Ҳудудлар** | **Молия вазирлиги томонидан етказиб берилган дастлабки прогноз** | **Аниқланган прогноз** | **Фарқи** |
|---|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **75 589,9** | **75 095,2** | **-494,7** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2 891,6 | 2 755,4 | -136,2 |
| Андижон вилояти | 2 374,8 | 2 349,3 | -25,5 |
| Бухоро вилояти | 3 957,8 | 3 834,1 | -123,7 |
| Жиззах вилояти | 1 330,3 | 1 287,9 | -42,4 |
| Қашқадарё вилояти | 6 081,9 | 5 790,6 | -291,3 |
| Навоий вилояти | 8 763,6 | 9 100,2 | 336,6 |
| Наманган вилояти | 1 819,4 | 1 779,7 | -39,7 |
| Самарқанд вилояти | 2 826,6 | 2 782,1 | -44,5 |
| Сурхондарё вил. | 1 881,6 | 1 857,3 | -24,3 |
| Сирдарё вилояти | 1 091,9 | 1 062,3 | -29,6 |
| Тошкент вилояти | 8 639,6 | 8 535,5 | -104,1 |
| Фарғона вилояти | 3 738,8 | 3 510,9 | -227,9 |
| Хоразм вилояти | 1 687,9 | 1 663,6 | -24,3 |
| Тошкент шаҳри | 19 355,3 | 19 280,7 | -74,6 |
| ДСҚ назоратидаги тушумлар | 9 148,7 | 9 505,5 | 356,8 |

Йиллик прогноз кўрсаткичлари Қашқадарёда 291,3 млрд.сўмга, Фарғонада 227,9 млрд.сўмга, Қорақалпоғистонда 136,2 млрд.сўмга, Бухорода 123,7 млрд.сўмга, Тошкент вилоятида 104,0 млрд.сўмга, Тошкент шаҳрида 74,6 млрд.сўмга, Самарқандда 44,5 млрд.сўмга, Жиззахда 42,4 млрд.сўмга, Наманганда 39,7 млрд.сўмга, Сирдарёда 29,6 млрд.сўмга, Андижонда 25,5 млрд.сўмга, Сурхондарёда 24,3 млрд.сўмга ва Хоразм вилоятида 24,3 млрд.сўмга **камайтирилган.**

Навоий вилоятида 336,6 млрд.сўмга ва Давлат солиқ қўмитаси назоратидаги тушумлар бўйича 356,8 млрд.сўмга **оширилган**.

***Маҳаллий бюджетларнинг 2019 йилдаги даромадлари ижроси***

**1.** Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 28-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларининг

қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари параметрларини тасдиқланиши белгиланган.

Маҳаллий бюджетларни 2019 йилдаги даромадлари ижроси

млрд.сўм

| Ҳудудлар | Аниқланган параметр | Амалдаги тушумлар | Фарқи | % |
|---|---|---|---|---|
| **ЖАМИ** | **29 850,3** | **35 134,2** | **5 283,9** | **117,7** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 2 453,5 | 2 953,3 | 499,9 | 120,4 |
| Андижон вилояти | 1 972,6 | 2 624,6 | 652,0 | 133,1 |
| Бухоро вилояти | 2 019,0 | 2 409,5 | 390,6 | 119,3 |
| Жиззах вилояти | 1 062,0 | 1 240,9 | 178,9 | 116,8 |
| Қашқадарё вилояти | 3 409,7 | 3 783,9 | 374,2 | 111,0 |
| Навоий вилояти | 1 481,8 | 1 877,8 | 396,0 | 126,7 |
| Наманган вилояти | 1 779,7 | 2 237,8 | 458,0 | 125,7 |
| Самарқанд вилояти | 2 286,5 | 2 567,2 | 280,8 | 112,3 |
| Сурхондарё вилояти | 1 602,2 | 1 844,9 | 242,7 | 115,1 |
| Сирдарё вилояти | 677,3 | 816,7 | 139,4 | 120,6 |
| Тошкент вилояти | 3 327,8 | 3 721,5 | 393,7 | 111,8 |
| Фарғона вилояти | 3 443,0 | 3 836,1 | 393,0 | 111,4 |
| Хоразм вилояти | 1 226,2 | 1 467,3 | 241,1 | 119,7 |
| Тошкент шаҳри | 3 109,1 | 3 752,8 | 643,6 | 120,7 |

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 34-банди, д-кичик бандида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳарлар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни бюджет даражалари ўртасида қайта тақсимлаш ваколати берилган.

Бироқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларда солиқсиз (йиғимлар, давлат божи, жарималар ҳамда бошқа даромадлар) тушумларнинг ажратмалари бюджет даражалари ўртасида тақсимоти *(ажратмалар меъёри)* акс эттирилмаган.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилояти ҳамда Тошкент шаҳрида 4 тадан, Сирдарёда 3 та, Андижон, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 2 тадан даромад турлари кўрсатилмаган.

Натижада, ҳудудий молия ва ғазначилик идоралари томонидан 957,6 млрд.сўмлик тўловлар бўйича ажратма меъёрлари **асоссиз тақсимот қилинган.**

**3.** Бюджет кодексининг 27, 143-моддаларига асосан тасдиқланган бюджет параметрларига ўзгартиришлар киритиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

2019 йил давомида ҳудудий Халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ҳокимият қарорларига мувофиқ Навоийда 60 млрд.сўмга, Самарқандда 26 млрд.сўмга, Сурхондарёда 42,8 млрд.сўмга, Тошкент вилоятида 60 млрд.сўмга, Тошкент шаҳрида 73,9 млрд.сўмга маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатлари тенг миқдорда оширилган.

Бироқ, Жиззах вилоят ҳокимининг 2019 йил 31 декабрдаги 451-сонли қарорига асосан вилоятнинг даромад ва харажатлари Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, халқ депутатлари вилоят кенгашининг қарори билан тасдиқланмаган ҳолда 35 млрд.сўмга оширилган.

Шунингдек, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги 52-209-сонли қарори ҳамда Андижон вилояти Кенгашининг 2019 йил 11 декабрдаги 191/58-5-сонли қарорида бюджет параметрларининг **даромад ва харажатлари қанча миқдорларда ошириш белгиланмаган бўлсада**, тегишлича 10 млрд.сўм ва 15 млрд.сўмга оширилган.

**4.** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларида тасдиқланган маҳаллий бюджет параметрларини ошириш назарда тутилган бўлсада, **66 та** маҳаллий бюджетларнинг параметрлари Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларида назарда тутилган мақсадга зид равишда **201,7 млрд.сўмга** камайтирилган.

Маҳаллий бюджет параметрлари ўзгартирилган ҳудудлар тўғрисида маълумот

млрд.сўм

| № | Ҳудудлар номи | Маҳаллий бюджетлар сони | Тасдиқланган параметр | Аниқланган прогноз | Фарқи |
|---|---|---|---|---|---|
| **ЖАМИ** | | **66** | **7 615,8** | **7 414,1** | **-201,7** |
| *шундан* | | | | | |
| 1 | Андижон вилояти | 10 | 1 801,0 | 1 777,8 | -23,3 |
| 2 | Жиззах вилояти | 7 | 907,5 | 889,0 | -18,5 |
| 3 | Навоий вилояти | 3 | 70,7 | 66,8 | -3,9 |
| 4 | Самарқанд вилояти | 9 | 1 953,2 | 1 920,7 | -32,5 |
| 5 | Сурхондарё вилояти | 12 | 327,9 | 313,7 | -14,2 |
| 6 | Тошкент вилояти | 12 | 357,2 | 326,4 | -30,8 |
| 7 | Хоразм вилояти | 2 | 913,1 | 898,8 | -14,3 |
| 8 | Тошкент шаҳар | 11 | 1 285,2 | 1 220,9 | -64,2 |

***Даромадларнинг белгиланган ажратмалар меъёрларига мувофиқ бюджет даражалари ўртасида тақсимланиши***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари параметрларида умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга солиқлар, ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича туман (шаҳар)лар бюджетларига ажратмалар меъёрлари белгиланган.

Мазкур қарорга асосан Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларда бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш меъёрлари ҳудудий молия ва ғазначилик органлари томонидан “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими”га киритилиши ўрганилганда, тақсимотлар бузилган ҳолда киритилганлиги аниқланди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва маҳаллий бюджет даромадлари ўртасида **1 621,0 млн.сўм**;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, туман(шаҳар)лар бюджетлари ўртасида **538 511,0 млн.сўм**;

туман (шаҳар)лар бюджетлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ўртасида **538 400,6 млн.сўм** миқдоридаги тўловлар ўтказилмасдан қолган.

***Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори талабларига мувофиқлиги***

**1.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги 2119-III-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарори билан қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги СҚ-348-III-сон “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги қарори билан маъқулланган.

Ушбу қарорларни бажариш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари (қарорга

3-иловага) Давлат бюджетининг 2019 йилги даромадлари **102 627,6 млрд.сўм миқдорида** тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети харажатлари ҳажми аниқлаштирилган.

2019 йилги Давлат бюджети даромадларини аниқлаштириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари қабул қилинмаган ва Давлат бюджети даромадларнинг тасдиқланган ҳажмлари сақлаб қолинган.

Лекин, Ҳудудий Халқ депутатлари Кенгашлари қарорларига асосан ҳудудий бюджет даромадлари ва харажатлари **322,9 млрд.сўм**га оширилиб, Бюджет кодексининг 143-моддаси 5-бандига асосан мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари томонидан амалга оширилган ҳолда вазирликнинг ахборот тизимида тегишли ўзгартириш киритилган ҳамда аниқланган даромад прогнози **102 950,5 млрд.сўм**ни ташкил этган.

Ушбу ҳолат юзасидан Молия вазирлиги масъул ходимлари томонидан мазкур ўзгартиришлар йилнинг охирги саналарида амалга оширилганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорида белгиланган даромадлар прогноз кўрсаткичлари аниқлаштирилмаганлиги маълум қилинди.

**2.** Давлат бюджети даромадлари ижроси ҳисоботи ҳамда унга илова қилинган маълумотлар ўзаро солиштирилганда қуйидагилар маълум бўлди:

2019 йил Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларида **322,9 млрд.сўмга фарқ мавжуд**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат бюджети даромадлари ижроси кўрсаткичлар таҳлили

млрд.сўм

| № | Даромад турлари | Тақдим этилган 1-“Ж” Иловада | | Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботда | | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Прогноз | Тушум | Прогноз | Тушум | Прогноз | Тушум |
| **I** | **ЖАМИ** | **102 627,6** | **112 165,4** | **102 950,5** | **112 165,4** | **-322,9** | **0,0** |
| **1.** | **Бевосита солиқлар** | **27 206,8** | **31 676,8** | **27 349,8** | **31 676,8** | **-143,0** | **0,0** |
| 1.1. | Юридик шахслар фойда солиғи | 13 883,5 | 16 360,6 | 13 911,5 | 16 360,6 | -28,0 | 0,0 |
| 1.2. | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 1 222,1 | 1 988,7 | 1 223,9 | 1 988,7 | -1,8 | 0,0 |
| 1.3. | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 11 533,7 | 12 668,5 | 11 640,9 | 12 668,5 | -107,2 | 0,0 |
| 1.4. | Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ | 567,5 | 658,9 | 573,5 | 658,9 | -6,0 | 0,0 |
| **2.** | **Билвосита солиқлар** | **45 951,1** | **46 427,2** | **46 011,2** | **46 427,2** | **-60,1** | **0,0** |
| 2.1. | Қўшилган қиймат солиғи | 34 973,5 | 33 809,8 | 34 973,5 | 33 809,8 | 0,0 | 0,0 |
| 2.2. | Акциз солиғи | 8 958,9 | 10 314,7 | 9 019,0 | 10 314,7 | -60,1 | 0,0 |
| 2.3. | Божхона божи | 2 018,8 | 2 302,7 | 2 018,8 | 2 302,7 | 0,0 | 0,0 |

| № | Даромад турлари | Тақдим этилган 1-“Ж” Иловада | | Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботда | | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Прогноз | Тушум | Прогноз | Тушум | Прогноз | Тушум |
| **3.** | **Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи** | **17 841,3** | **19 680,7** | **17 939,7** | **19 680,7** | **-98,5** | **0,0** |
| 3.1. | Мол-мулк солиғи | 1 822,6 | 2 360,2 | 1 901,6 | 2 360,2 | -79,0 | 0,0 |
| 3.2. | Ер солиғи | 1 812,3 | 2 313,2 | 1 830,4 | 2 313,2 | -18,1 | 0,0 |
| 3.3. | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 13 938,9 | 14 692,8 | 13 939,6 | 14 692,8 | -0,7 | 0,0 |
| 3.4. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 267,5 | 314,5 | 268,1 | 314,5 | -0,6 | 0,0 |
| **4.** | **Қўшимча фойда солиғи** | **130,0** | **107,9** | **130,0** | **107,9** | **0,0** | **0,0** |
| **5.** | **Бошқа даромадлар ва солиқсиз тушумлар** | **11 498,5** | **14 272,8** | **11 519,7** | **14 272,8** | **-21,2** | **0,0** |

2019 йилда Давлат бюджети даромадларининг Давлат солиқ қўмитаси бўйича прогноз тушумларида **322,9 млрд.сўмга** фарқ мавжудлиги маълум бўлди.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2019 йилда Давлат бюджети даромадлари ижроси кўрсаткичлари таҳлили

млрд.сўм

| № | Даромад турлари | Тақдим этилган 2-“Ж” Иловада | | Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги Ҳисоботда | | Фарқи | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Прогноз | Тушум | Прогноз | Тушум | Прогноз | Тушум |
| | **ЖАМИ** | **75 095,2** | **83 357,4** | **75 418,1** | **83 357,4** | **-322,9** | **0,0** |
| | *шундан:* | | | | | | |
| 1 | Юридик шахслар фойда солиғи | 6 550,6 | 7 367,8 | 6 578,6 | 7 367,8 | -28,0 | 0,0 |
| 2 | Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар | 1 222,1 | 1 988,7 | 1 223,9 | 1 988,7 | -1,8 | 0,0 |
| 3 | Жисмоний шахс даромад солиғи | 11 533,7 | 12 668,5 | 11 640,9 | 12 668,5 | -107,2 | 0,0 |
| 4 | Тадбиркорлардан қатъий белгиланган солиқ | 567,5 | 658,9 | 573,5 | 658,9 | -6,0 | 0,0 |
| 5 | Қўшилган қиймат солиғи | 23 391,4 | 23 657,4 | 23 391,4 | 23 657,4 | 0,0 | 0,0 |
| 6 | Акциз солиғи | 8 279,2 | 9 496,2 | 8 339,4 | 9 496,2 | -60,1 | 0,0 |
| 7 | Мол-мулк солиғи | 1 822,6 | 2 360,2 | 1 901,6 | 2 360,2 | -79,0 | 0,0 |
| 8 | Ер солиғи | 1 812,3 | 2 313,2 | 1 830,4 | 2 313,2 | -18,1 | 0,0 |
| 9 | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ | 13 938,9 | 14 692,8 | 13 939,6 | 14 692,8 | -0,7 | 0,0 |
| 10 | Сув солиғи | 267,5 | 314,5 | 268,1 | 314,5 | -0,6 | 0,0 |

**3**. Давлат бюджетининг (контингент) йиллик прогноз кўрсаткичлари ҳудудий молия идоралари томонидан жами **105 та** туманлар (шаҳарлар) бўйича 1 606,1 млрд.сўмга камайтирилган бўлса, **88 тасида** 1 434,3 млрд.сўмга оширилган.

# Давлат бюджетининг 2019 йил учун йиллик параметр кўрсаткичлари ўзгариши

млрд.сўм

| № | Ҳудудлар номи | Шаҳар ва туманлар бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Кўпайишга | | Камайишга | |
| | | сони | суммаси | сони | суммаси |
| | **Жами** | 88 | 1 434,3 | 105 | -1 606,1 |
| | *шундан* | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 1 | 3,0 | 15 | -139,1 |
| 2 | Андижон вилояти | 4 | 43,4 | 11 | -53,9 |
| 3 | Бухоро вилояти | 10 | 35,4 | 3 | -159,1 |
| 4 | Жиззах вилояти | 8 | 23,8 | 5 | -31,0 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 9 | 102,0 | 6 | -393,3 |
| 6 | Навоий вилояти | 6 | 401,5 | 4 | -4,9 |
| 7 | Наманган вилояти | 0 | 0,0 | 12 | -39,7 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 5 | 7,6 | 11 | -26,1 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 4 | 47,3 | 8 | -28,9 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 2 | 2,4 | 6 | -32,0 |
| 11 | Тошкент вилояти | 11 | 113,7 | 11 | -157,7 |
| 12 | Фарғона вилояти | 16 | 65,6 | 3 | -293,5 |
| 13 | Хоразм вилояти | 5 | 17,8 | 5 | -32,1 |
| 14 | Тошкент шаҳар | 6 | 214,0 | 5 | -214,7 |
| 15 | ДСҚ тушумлари | 1 | 356,8 | | |

## *Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши ва унда даромадлар манбаларини тўлиқ акс эттирилиши*

**1.** Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 165-моддасига мувофиқ Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги ҳисобот шаклларини ўз ичига олади:

Давлат бюджети ижросининг балансини;

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотномани;

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу шакллар бўйича Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни тузади.

Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шакли Молия вазирининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган шаклда тузилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб келинмоқда.

Бюджет кодексининг 29-моддасида Молия вазирлигининг бюджет

соҳасидаги ваколатлари белгиланган бўлиб, унда Молия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот шаклларини белгилаш кўрсатилган бўлиб, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот шаклини тасдиқлаш белгиланмаган.

Молия вазирлигининг 2013 йил 2 декабрдаги 157-сонли буйруғи билан тасдиқланган ҳисобот шаклида Давлат бюджети даромадларининг йиллик прогноз кўрсаткичлари ва ҳақиқатда тушумлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

Ушбу ҳисобот шаклида даромадларни туман (шаҳар)ларда шаклланган миқдорлари, молия йилида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича Давлат бюджетига ҳисобланган даромадлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар, ҳисобот даврида ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда Давлат бюджети даромадлари ҳисобидан берилган имтиёзлар ва ташкилотларни ривожлантириш жамғармаларига ўтказиб берилган бюджет даромадлари, давлат активлари тўғрисидаги маълумотлар акс этмайди.

Давлат бюджетининг даромадлари ижросини таъминлашда ўртача 74,3 фоизга яқин тушумлар солиқ органлари томонидан, 15,3 фоиз тушумлар божхона органлари томонидан ундирилсада, Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Молия вазирлиги томонидан тузилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилади.

Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни бирламчи маълумотлари, асосан Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасида шаклланган бўлиб, бугунги кунда тақдим этилаётган ҳисобот шаклларида ушбу қўмиталар томонидан ҳисоби юритилаётган давлат бюджетининг ижроси билан боғлиқ асосий кўрсаткичлар акс эттирилмасдан қолмоқда.

Жумладан, солиқ ва божхона тўловлари бўйича ҳисобланган даромадлар, қўлланилган имтиёз ва преференциялар, солиқ қарздорлиги ва уларни ўзгариши, ортиқча тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундирувчанлик даражаси, давлат активларининг ўзгариши каби маълумотлар Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарорининг 6-бандида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига **икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидаги йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган **имтиёзларни ҳисобга олиш тизимини жорий этиш**;

навбатдаги молия йилига мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг **Давлат бюджетидаги йўқотишнинг умумий суммасини алоҳида қаторда кўрсатиб бориш юклатилган**.

Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидаги йўқотишни аниқ баҳолашни назарда тутадиган, берилаётган имтиёзларни ҳисобга олиш тизимини **жорий этилмаган.**

Шунингдек, 2019 йилги Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрларида берилган имтиёзлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидаги йўқотишнинг умумий суммаси алоҳида қаторда кўрсатилмаган.

**3.** Давлат солиқ қўмитаси томонидан Давлат бюджетига ундириладиган даромадлар ҳисобини юритилиши.

**3.1.** Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 164-моддасида Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот даври учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ҳамда тушуми тўғрисида ҳисоботларни тақдим этиши белгиланган.

Ўтказилган ташқи аудит ва баҳолаш жараёнида Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган (“1-Н” ҳисобот шакли) ҳамда қўшимча равишда Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасидан олинган маълумотлар таҳлил қилинганда, солиқ органлари томонидан Давлат бюджетига ундирилган даромадлар 83 323,9 млрд.сўмни ёки Молия вазирлиги тақдим қилган ҳисоботдаги маълумотларга нисбатан **33 425,2 млн.сўм фарқ** мавжудлиги аниқланиб, шундан 33 347,4 млн.сўми ўрганиш давомида бартараф этилди.

Натижада, солиқ органлари томонидан Давлат бюджетига ундирилган даромадлар 83 357,3 млрд.сўмни ёки Молия вазирлиги тақдим қилган ҳисоботдаги *(83 357,4 млрд.сўм)* маълумотларга нисбатан 31 та даромад тури бўйича тушумлар 512,8 млн.сўмга кам, 26 та даромад тури бўйича эса тушумлар 434,9 млн.сўмга кўп кўрсатилганлиги ёки ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда **77,8 млн.сўм фарқ мавжудлиги аниқланди**.

**3.2.** Давлат бюджетига 2019 йилда ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда йил давомида солиқ қарздорлигининг ўзгариши, солиқ тўловчиларнинг ортиқча ёки олдиндан амалга оширган тўловлари ҳисобидан шаклланган даромадлар каби кўрсаткичлар Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган (*ушбу маълумотлар Давлат бюджетининг даромадлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди*).

**4.** Давлат божхона қўмитаси томонидан Давлат бюджетига ундириладиган даромадлар ҳисобини юритилиши.

**4.1.** Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 335-моддасида божхона органининг шахсий ғазна ҳисобварағига (транзит) ўтказиб берилган дастлабки пул маблағларини қайтариб бериш ҳақидаги ариза уч йил ичида тақдим этилмаган бўлса, ушбу пул маблағлари божхона органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ўтказилиши белгиланган.

Божхона қўмитаси томонидан амалга оширилган таҳлилда, уч йилдан ортиқ муддатда 596 та ҳолатда шахсий карточкаларда ҳаракатсиз бўлиб турган **119,1 млн.сўм** маблағлар аниқланган. Ушбу маблағлар ҳудудий Давлат божхона органлари томонидан 2019 йил ноябрь-декабрь ойларида Давлат бюджетининг “қўшилган қиймат солиғи” даромад кодига ўтказилганлиги маълум қилинди.

**4.2.** Давлат божхона қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2019 йил давомида божхона органлари томонидан божхона юк декларацияси ва божхона кирим ордерига асосан 16 808,7 млрд.сўмлик божхона тўловлари ҳисобга олинган *(божхона органининг шахсий ғазна ҳисобварағига тўланган)* бўлиб, шундан 16 518,9 млрд.сўми Давлат бюджетга ўтказиб берилган.

2019 йил якунида *(28-31 декабрь кунлари)* расмийлаштирилган божхона юк декларациялари бўйича ундирилган **289,6 млрд.сўм** *(акциз солиғи, ҚҚС ва божхона божи)* божхона тўловлари Давлат бюджетига 2020 йил январь ойининг 4-8 кунлари *(2020 йил 1,2,5 январь кунлари дам олиш кунлари бўлган)* беш иш кунидан ошмаган ҳолда Давлат бюджетига ўтказилган.

***Вазирлик, идоралар томонидан ундириладиган солиқсиз тушумларни Давлат бюджети ҳамда ваколатли органларнинг махсус ҳисоб рақамлари ўртасида тақсимланиши ҳамда қўшимча даромадларни ҳисобга олиниши.***

**1**. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (эски таҳрир) 339-моддасида консуллик йиғимлари бюджет даромадига ўтказилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3654-сонли қарорига мувофиқ 2018 йил 1 майдан консуллик йиғимларининг 70 фоизи Давлат бюджетига, 30 фоизи Ўзбекистон Республикасининг дипломатик хизмат органларини ривожлантириш жамғармасига тақсимланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрдаги ПҚ-1449-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 августдаги 423-сонли қарорига ўзгартириш киритилиб, консуллик йиғимларининг Давлат бюджетига ўтказиладиган қисмини фаолият юритаётган давлат банкларида бюджет маблағлари учун очилган жорий бюджет ҳисобрақамларига ўтказилиши ва навбатдаги йил учун тасдиқланган харажатлар сметаларига асосан дипломатик ваколатхоналарни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун ишлатилиши назарда тутилган изоҳ билан тўлдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун 2019 йилда 30 058,4 минг. АҚШ доллари миқдорида консуллик йиғимлари ундирилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қарорларда белгиланган тақсимланиш нисбатларидан келиб чиқиб, консуллик йиғимларининг 21 040,9 минг. АҚШ доллари *(миллий валютадаги эквивалентда валюта курсини ўртача 9 000 сўмдан ҳисобланганда* ***189,4 млрд.сўм)*** **Давлат бюджети даромадларида акс эттирилиши лозим**.

Хорижий дипломатик ваколатхоналар томонидан ундирилган консуллик йиғимлари тўғрисида маълумот

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Жами |
|---|---|---|---|
| 1 | Ундирилган маблағ | минг. АҚШ доллар | 30 058,4 |
| 2 | Сўмдаги эквиваленти | млрд.сўм | 270,5 |
| | *Давлат бюджетига (70%)* | *млрд.сўм* | *189,4* |
| | *Ташқи ишлар вазирлигига (30%)* | *млрд.сўм* | *81,1* |

## II. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТ ҚИСМИНИНГ ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарорига мувофиқ Давлат бюджети харажатларининг 2019 йил учун тасдиқланган режаси (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 107 118,4 млрд.сўмни ва аниқланган режаси 113 500,0 млрд.сўмни ташкил этган.

млн.сўм

| Кўрсаткичлар | Тасдиқланган режа | Аниқланган режа | % |
|---|---|---|---|
| **Давлат бюджети жами харажатлари (мақсадли жамғармаларсиз)** | **107 118 380,1** | **113 500 00,0** | **106,0** |
| **Ижтимоий харажатлар** | **58 012 116,6** | **62 036 584,3** | **106,9** |
| **Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари** | **50 334 066,6** | **57 958 534,3** | **115,1** |
| *шундан:* | | | |
| таълим | 28 394 264,2 | 33 136 511,4 | 116,7 |
| *шундан, таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари* | 3 432 500,0 | 4 829 606,4 | 140,7 |
| мактабгача таълим | 4 021 568,3 | 5 204 641,9 | 129,4 |
| умумий таълим | 17 100 052,0 | 19 250 423,4 | 112,6 |
| кадрлар тайёрлаш | 3 840 143,8 | 3 922 396,2 | 102,1 |

| Кўрсаткичлар | Тасдиқланган режа | Аниқланган режа | % |
|---|---|---|---|
| соғлиқни сақлаш | 12 078 015,3 | 14 837 577,3 | 122,8 |
| *шундан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари* | 972 300,0 | 1 814 547,1 | 186,6 |
| маданият ва спорт | 1 690 126,0 | 2 182 472,5 | 129,1 |
| фан | 801 014,5 | 672 655,6 | 84,0 |
| *шундан, илмий муассасаларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари* | 32 000,0 | 32 411,2 | 101,3 |
| нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари | 5 167 219,6 | 4 762 969,1 | 92,2 |
| аҳоли бандлиги даражасини ошириш | 1 514 000,0 | 1 192 000,0 | 78,7 |
| "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури харажатлари | 500 000,0 | 590 736,4 | 118,1 |
| **Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига субсидиялар** | **4 700 000,0** | | |
| **Уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари** | **2 978 050,0** | **4 078 050,0** | **136,9** |
| **Иқтисодиёт харажатлари** | **14 099 793,5** | **17 746 296,9** | **125,9** |
| **Марказлашган инвестиция харажатларини молиялаштириш** | **3 960 200,0** | **5 630 181,4** | **142,2** |
| **Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари** | **3 749 428,4** | **4 453 237,7** | **118,8** |
| **Суд органларини сақлаш харажатлари** | **319 900,0** | **359 893,6** | **112,5** |
| **Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари** | **758 000,0** | **695 554,4** | **91,8** |
| **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари** | **908 643,4** | **1 022 961,2** | **112,6** |
| **Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа иниститутларини қўллаб-қўвватлаш харажатлари** | **28 600,0** | **37 817,3** | **132,2** |
| **Бошқа харажатлар** | **25 281 826,0** | **21 517 473,2** | **85,1** |

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 144-моддасида давлат бюджети харажатларига унинг ижроси жараёнида Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларига нисбатан Давлат бюджети харажатларини 10 ва ундан ортиқ фоизга кўпайтиришни ёки камайтиришни назарда тутадиган ўзгартиришлар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари

параметрларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 21 ноябрдаги 2911-III-сонли ва 2019 йил 26 ноябрдаги 2924-III-сонли ҳамда Олий Мажлис Сенатининг 2019 йил 30 ноябрдаги СҚ-537-III-сонли қарорларига биноан ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари, уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга кредит линияси харажатлари, иқтисодиёт харажатлари, марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг захира жамғармалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, адлия ва прокуратура органларини сақлаб туриш харажатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятларининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари 10 фоиздан ортиқ оширилган бўлса фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари камайтирилган.

Суд органларини сақлаш харажатлари аниқланган режаси 359,9 млрд.сўм бўлиб, тасдиқланган режаси (319,9 млрд.сўм)га нисбатан **40,0 млрд.сўм**га ёки 112,5 фоизга ошган.

Ушбу ўзгариш бўйича **Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тақдимномалар киритилмаган ҳамда Олий мажлис палаталари томонидан тасдиқланмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса харажатлари 2019 йилда 118 008,7 млрд. сўмни ёки аниқланган режа кўрсаткичларига нисбатан 104,0 фоизни ташкил этган.

млн.сўм

| **Кўрсаткичлар** | **Режа** | **Ижро** | |
|---|---|---|---|
| | | **Суммада** | **%** |
| **ХАРАЖАТЛАР (МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРСИЗ) - ЖАМИ** | **113 500 000,0** | **118 008 700,2** | **104,0** |
| **Ижтимоий харажатлар** | **62 036 584,3** | **63 542 394,1** | **102,4** |
| **Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари** | **57 958 534,3** | **59 416 651,0** | **102,5** |
| *шундан:* | | | |
| таълим | 33 136 511,4 | 33 536 149,1 | 101,2 |
| *шундан, таълим муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари* | 4 759 050,0 | 4 829 606,4 | 101,5 |
| мактабгача таълим | 5 204 641,9 | 5 314 355,1 | 102,1 |
| умумий таълим | 19 250 423,4 | 19 499 563,2 | 101,3 |
| кадрлар тайёрлаш | 3 922 396,2 | 3 892 624,4 | 99,2 |
| соғлиқни сақлаш | 14 837 577,3 | 14 977 446,0 | 100,9 |
| *шундан, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари* | 1 814 547,1 | 1 855 046,6 | 102,2 |
| маданият ва спорт | 2 182 472,5 | 2 417 345,3 | 110,8 |

| Кўрсаткичлар | Режа | Ижро | |
|---|---|---|---|
| | | Суммада | % |
| фан | 672 655,6 | 662 408,5 | 98,5 |
| *шундан, илмий муассасаларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари* | 32 411,2 | 32 127,3 | 99,1 |
| нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари | 4 762 969,1 | 4 740 290,4 | 99,5 |
| аҳоли бандлиги даражасини ошириш | 1 192 000,0 | 1 192 000,0 | 100,0 |
| "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" давлат дастури харажатлари | 590 736,4 | 1 137 870,8 | 192,6 |
| **Уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари** | **4 078 050,0** | **4 125 743,2** | **101,2** |
| **Иқтисодиёт харажатлари** | **17 746 296,9** | **18 485 172,3** | **104,2** |
| *шундан:* | | | |
| сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари | 3 884 617,0 | 3 885 796,7 | 100,0 |
| фермер хўжаликлари балансидаги насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергиясини қоплаш учун субсидиялар | 153 215,7 | 150 816,0 | 98,4 |
| суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш | 758 945,0 | 756 867,5 | 99,7 |
| зараркунандаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш | 91 673,5 | 91 629,2 | 100,0 |
| аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш | 1 670 117,2 | 2 047 699,1 | 122,6 |
| табиатни муҳофаза қилиш | 243 389,3 | 251 903,4 | 103,5 |
| уй-жой коммунал ишлари | 822 914,6 | 857 034,3 | 104,1 |
| ичимлик суви ва канализация тизимларини ривожлантириш | 1 648 025,6 | 1 661 525,6 | 100,8 |
| умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларни ривожлантириш | 5 350 078,6 | 5 219 054,5 | 97,6 |
| Оролбўйи минтақасини ривожлантириш | 320 421,3 | 302 780,2 | 94,5 |
| **Марказлашган инвестиция харажатларини молиялаштириш** | **5 630 181,4** | **7 048 460,3** | **125,2** |
| **Давлат бошқаруви, адлия ва прокуратура органларини сақлаш харажатлари** | **4 453 237,7** | **4 956 384,7** | **111,3** |
| **Суд органларини сақлаш харажатлари** | **359 893,6** | **358 626,4** | **99,6** |
| **Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари** | **695 554,4** | **701 128,0** | **100,8** |
| **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари** | **1 022 961,2** | **985 413,3** | **96,3** |
| **Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари** | **37 817,3** | **37 817,3** | **100,0** |
| **Давлат қарзларига хизмат кўрсатиш ва қоплаш харажатлари** | **1 090 419,2** | **1 089 203,4** | **99,9** |
| **Бошқа харажатлар** | **20 427 054,1** | **20 804 100,2** | **101,8** |

Давлат бюджети таркибида аввалги йилларда бўлгани каби ижтимоий

соҳа харажатлари асосий ўринни эгаллаб, 63 542,4 млрд.сўмни ёки 2019 йил Давлат бюджети жами харажатларининг 53,8 фоизини ташкил этди. Ижтимоий соҳа харажатлари ўтган йил кўрсаткичига (42 883,3 млрд.сўм) нисбатан 48,2 фоизга ошган.

Жумладан, 2019 йилда Давлат бюджети ҳисобидан:

- таълим соҳасига – 33 536,1 млрд.сўм (режага нисбатан 101,2 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (20 721,1 млрд.сўм) нисбатан 61,8 фоизга кўп;

- соғлиқни сақлаш харажатларига – 14 977,4 млрд.сўм (режага нисбатан 100,9 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (9 408,4 млрд.сўм) нисбатан 59,2 фоизга кўп;

- маданият ва спорт соҳасига – 2 417,3 млрд.сўм (режага нисбатан 110,8 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (1 345,5 млрд. сўм) нисбатан 79,7 фоизга кўп;

- фан соҳасини молиялаштиришга – 662,4 млрд. сўм (режага нисбатан 98,5 фоиз) маблағ ёки ўтган йил кўрсаткичига (434,4 млрд.сўм) нисбатан 52,5 фоизга кўп;

- нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари учун – 4 740,3 млрд.сўм (режага нисбатан 99,5 фоиз) ёки ўтган йил кўрсаткичига (3 242,1 млрд.сўм) нисбатан 46,2 фоизга кўп сарфланган.

Иқтисодиёт харажатлари ижроси 18 485,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, режага (17 746,3 млрд.сўм) нисбатан 4,2 фоизга ҳамда ўтган йилги кўрсаткичига (8 461,8 млрд.сўм) нисбатан икки баробардан кўпроққа ошган.

2019 йилда Давлат бюджетидан сарфланган марказлаштирилган инвестициялар 7 048,5 млрд.сўмни (режага нисбатан 125,2 фоиз) ташкил этган бўлиб, ўтган йилда бу мақсадларга сарфланган маблағга (5 396,4 млрд.сўм) нисбатан 30,6 фоизга кўп харажатлар амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2019 йилги ижроси 118 008,7 млрд.сўмни ташкил қилиб, даромадларнинг ҳақиқатдаги ижросига (112 165,4 млрд.сўм) нисбатан Давлат бюджети тақчиллиги (дефицит) 5 843,3 млрд.сўмни (ЯИМга нисбатан 1,1 фоиз) ташкил этган.

*Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори билан 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети 4 490,8 млрд сўм миқдорида дефицит билан тасдиқланган.*

Давлат бюджети даромадларининг йил давомида ортиқча бажарилиши натижасида юзага келган қўшимча даромадлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари асосида ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилган. Жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 декабрдаги 1072-сонли қарорига асосан 2019 йил Инвестиция дастурига қўшимча киритилган объектлар учун тасдиқланган бюджет параметрлари 1 200,0 млрд.сўмга кўпайган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4201 ва 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3812-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 мартдаги 23-сонли йиғилиш баёнига асосан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини таъминлаш учун 1 004,4 млрд.сўмлик харажатлар амалга оширилган;

- уй-жойлар қуриш дастурини биргаликда молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга кредит линияси харажатлари учун бюджет параметрларида тасдиқланган 2 978,1 млрд.сўм харажатлар 1 147,7 млрд.сўмга ёки 38,5 фоизга кўпайган;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 594-ф-сонли фармойишига асосан Тошкент вилояти ижтимоий соҳа объектларига қўшимча 1 100,0 млрд.сўм ажратилган.

Юзага келган Давлат бюджети тақчиллиги 2019 йил бошидаги давлат бюджетининг 1 245,4 млрд.сўм қолдиқ маблағлари, шунингдек, халқаро молия институтларнинг 3 478,7 млрд.сўм миқдоридаги қарз маблағлари ва давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш натижасида тушган 1 119,2 млрд.сўм маблағлар ҳисобига қопланган.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларининг ижроси 65 959,0 млрд.сўмни ёки аниқланган режа кўрсаткичининг 101,1 фоизини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, Тошкент шаҳри ва вилоятлар маҳаллий бюджетлари 52 049,7 млрд. сўмни ёки 107,8 фоизни ташкил этган.

млн.сўм

| Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Касса ижроси | % |
|---|---|---|---|
| **Харажатлар - жами** шу жумладан: | **113 500 000,0** | **118 008 700,2** | **104,0** |
| Ўзбекистон Республикаси республика бюджети | 65 232 509,9 | 65 959 001,8 | 101,1 |
| Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари | 48 267 490,1 | 52 049 698,4 | 107,8 |

Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташқи аудитдан ўтказиш учун қуйидаги 5 турдаги ҳисобот шакллари Ҳисоб палатасига тақдим этилган:

1. Давлат бюджети ижросининг баланси;

2. Давлат бюджети даромадларининг ижроси тўғрисида ҳисобот;

3. Давлат бюджети харажатларининг ижроси тўғрисида ҳисобот;

4. Бюджет ташкилотларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома;

5. Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботлар.

Ташқи аудит жараёнида Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботда иш ҳақи жамғармаси режа кўрсаткичлари давлат бюджетининг харажатлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботга нисбатан **230 та** ҳолатда **2 420,6 млрд. сўм**га кўп, **16 та** ҳолатда **6,5 млрд. сўм**га кам, ҳақиқий харажатлар эса **304 та** ҳолатда **2 475,4 млрд. сўм**га кўп, **3 та** ҳолатда **3,1 млрд. сўм**га кам кўрсатилганлиги маълум бўлди.

Ушбу фарқ аксарият ҳолатларда айрим ташкилотларнинг тармоқ, штат ва контингентлари ижроси бўйича иш ҳақи харажатлари ҳисоботга киритилмаганлиги сабабли келиб чиққан. Хусусан ҳақиқий харажатлар бўйича аниқланган 2 475,4 млрд.сўм фарқдан 1 257,5 млрд.сўми бюджет ташкилотлари бўйича кўрсаткичларни ҳисоботда акс эттирилмаганлиги натижасида юзага келган.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги **ҳисоботи тўлиқ тузилмаган 170 га яқин ҳолатда кўрсаткичлар киритилмаган**.

2019 йилда ўтказилган Давлат бюджетининг 2018 йиллик ижроси юзасидан ўтказилган ташқи аудит якуни билан юқоридаги ҳолатларга ўхшаш камчиликлар аниқланган бўлиб, Молия вазирлиги томонидан ушбу ҳолатларни бартараф этиш бўйича **ишлар амалга оширилмаган**.

***Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг айрим тармоқ вазирликлари кесимида харажатларининг 2019 йилги ижроси***

млн.сўм

| | Тармоқ вазирликлари номи | Аниқланган режа | Ижро |
|---|---|---|---|
| 1. | Мактабгача таълим вазирлиги | 7 159 012,1 | 7 377 656,9 |
| 2. | Халқ таълими вазирлиги | 20 490 157,9 | 20 894 181,2 |
| 3. | Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги | 1 819 440,4 | 1 808 967,5 |
| 4. | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | 15 362 003,7 | 15 573 911,9 |
| 5. | Маданият вазирлиги | 1 636 868,6 | 1 797 592,5 |
| 6. | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | 464 546,9 | 465 671,4 |
| 7. | Сув хўжалиги вазирлиги | 5 765 862,7 | 6 127 674,3 |

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан айрим тармоқ вазирликларига ажратилган маблағлар ижроси қуйидагиларни ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йилги харажатлари аниқланган режаси 7 159,0 млрд.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 7 377,7 млрд.сўм ёки режага нисбатан 103,1 фоизни (218,6 млрд.сўмга кўп);

- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йилги харажатлари аниқланган режаси 20 490,2 млрд.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 20 894,2 млрд.сўмни ёки режага нисбатан 102,0 фоизни (404,0 млрд.сўмга кўп);

- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2019 йилги харажатлари аниқланган режаси 1 819,4 млрд.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 1 809,0 млрд.сўмни ёки режага нисбатан 99,4 фоизни (10,5 млрд.сўмга кам);

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йилги харажатлари аниқланган режаси 15 362,0 млрд.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 15 573,9 млрд.сўмни ёки режага нисбатан 101,4 фоизни (211,9 млрд.сўмга кўп);

- Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2019 йилги харажатлари аниқланган режаси 1 636,9 млрд.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 1 797,6 млрд.сўмни ёки режага нисбатан 109,8 фоизни (160,7 млрд.сўмга кўп);

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йилги харажатлари аниқланган режаси 464,5 млрд.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 465,7 млрд.сўмни, режага нисбатан 100,2 фоизни (1,1 млрд.сўмга кам);

- Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2019 йилги харажатлари аниқланган режаси 5 765,9 млрд.сўмни, ҳақиқатда касса ижроси 6 127,7 млрд.сўмни ёки режага нисбатан 106,3 фоизни (361,8 млрд.сўмга кўп).

### *2019 йилда Давлат бюджетидан ажратилган мақсадли субсидиялар*

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 1 178,6 млрд.сўм миқдорида субсидиялар ажратилган.

Жумладан:

- иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан иссиқлик энергиясини меъёридан ортиқча етказилиши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш учун 373,2 млрд. сўм;

- аҳоли учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сувга пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида кўриладиган зарарларни қоплаш учун 225,1 млрд. сўм;

- табиий газ ва электр энергияси тарифлари оширилиши шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида “Ўзбекэнерго” АЖ ва унинг корхоналарига табиий газ харажатларини қоплаш учун 163,5 млрд. сўм;

- давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида фаолият юритадиган мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 210,9 млрд. сўм;

- пахта хом ашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишни қўллаб-қувватлаш учун 85,3 млрд. сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига 60,0 млрд. сўм миқдорида субсидиялар ажратилган.

### *Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатлари ижроси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли қарорида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг харажатлари 38 846,1 млрд.сўм миқдорида тасдиқланган бўлиб, улар 31 083,0 млрд.сўмлик даромад ва 7 763,1 млрд.сўмлик Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан мақсадли ижтимоий трансфертлар ҳисобига қопланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 94-моддасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, 2019 йил учун мазкур бюджет лойиҳаларида тақчиллик кўзда тутилмаган.

### *Бюджетлараро муносабатлар*

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва вилоятларнинг маҳаллий бюджетларига жами 7 763,1 млрд.сўм мақсадли ижтимоий трансфертлар ажратилган. Ажратилган ижтимоий трансфертлар ҳудудлар кесимида қуйидагича:

млн.сўм

| **Ҳудудлар** | **Таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларига** | **Тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларига** | **Жами** |
|---|---|---|---|
| **Ижтимоий трансфертлар жами** | **5 278 162,1** | **2 484 939,5** | **7 763 101,6** |
| Андижон вилояти | 923 836,6 | 455 464,4 | 1 379 301,0 |
| Жиззах вилояти | 516 557,8 | 214 046,1 | 730 603,9 |
| Наманган вилояти | 864 088,3 | 448 074,8 | 1 312 163,1 |
| Самарқанд вилояти | 1 234 392,1 | 526 543,4 | 1 760 935,4 |
| Сурхондарё вилояти | 836 217,7 | 378 613,5 | 1 214 831,2 |

| Ҳудудлар | Таълим муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларига | Тиббиёт муассасаларининг иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловларига | Жами |
|---|---|---|---|
| Сирдарё вилояти | 307 363,9 | 173 721,2 | 481 085,1 |
| Хоразм вилояти | 595 705,7 | 288 476,1 | 884 181,8 |

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига 2019 йил мобайнида 2 608,7 млрд.сўмлик бюджет ссудалари ажратилиб, йил давомида шундан 1 062,0 млрд.сўми пул кўринишида ҳамда 1 546,7 млрд.сўми ўзаро ҳисоб-китоблар орқали қайтарилган.

млн.сўм

| Ҳудудлар номи | 2019 йилда жами ажратилган бюджет ссудаси | Жами қайтарилган сумма | шундан: | |
|---|---|---|---|---|
| | | | пул кўриниши орқали | ўзаро ҳисоб-китоблар орқали |
| **Жами** | **2 608 700,0** | **2 608 700,0** | **1 062 000,0** | **1 546 700,0** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 310 000,0 | 310 000,0 | 120 000,0 | 190 000,0 |
| Андижон вилояти | 23 300,0 | 23 300,0 | | 23 300,0 |
| Бухоро вилояти | 295 000,0 | 295 000,0 | 155 000,0 | 140 000,0 |
| Жиззах вилояти | 110 000,0 | 110 000,0 | 35 000,0 | 75 000,0 |
| Қашқадарё вилояти | 404 000,0 | 404 000,0 | 354 000,0 | 50 000,0 |
| Навоий вилояти | 80 000,0 | 80 000,0 | 15 000,0 | 65 000,0 |
| Самарқанд вилояти | 147 400,0 | 147 400,0 | 25 000,0 | 122 400,0 |
| Сурхондарё вилояти | 94 000,0 | 94 000,0 | 10 000,0 | 84 000,0 |
| Сирдарё вилояти | 5 000,0 | 5 000,0 | | 5 000,0 |
| Тошкент вилояти | 175 000,0 | 175 000,0 | | 175 000,0 |
| Фарғона вилояти | 440 000,0 | 440 000,0 | 275 000,0 | 165 000,0 |
| Хоразм вилояти | 52 000,0 | 52 000,0 | | 52 000,0 |
| Тошкент шаҳри | 473 000,0 | 473 000,0 | 73 000,0 | 400 000,0 |

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети харажатларининг аниқланган режаси 9 421,4 млрд.сўмга оширилиб, дастлабки режадаги 38 846,1 млрд.сўмдан 48 267,5 млрд.сўмгача оширилган.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг касса харажатлари қуйидагиларни ташкил қилган:

млн.сўм

| Ҳудудлар номи | Аниқланган режа | Касса ижроси | Бажарилиши | |
|---|---|---|---|---|
| | | | миқдори | % |
| **Харажатлар жами** | **48 267 490,1** | **52 049 698,4** | **3 782 208,3** | **107,8** |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 3 560 825,8 | 3 897 908,3 | 337 082,5 | 109,5 |
| Андижон вилояти | 4 042 491,2 | 4 510 444,6 | 467 953,5 | 111,6 |
| Бухоро вилояти | 2 817 749,6 | 3 103 029,6 | 285 280,0 | 110,1 |
| Жиззах вилояти | 2 382 693,3 | 2 534 653,1 | 151 959,8 | 106,4 |
| Қашқадарё вилояти | 4 160 172,5 | 4 415 227,7 | 255 055,2 | 106,1 |
| Навоий вилояти | 1 957 813,7 | 2 280 306,3 | 322 492,6 | 116,5 |
| Наманган вилояти | 3 635 365,3 | 3 921 536,2 | 286 170,9 | 107,9 |
| Самарқанд вилояти | 4 922 616,2 | 5 138 653,4 | 216 037,2 | 104,4 |
| Сурхондарё вилояти | 3 548 531,1 | 3 721 215,3 | 172 684,2 | 104,9 |
| Сирдарё вилояти | 1 624 066,7 | 1 725 407,0 | 101 340,4 | 106,2 |
| Тошкент вилояти | 3 999 268,8 | 4 225 843,1 | 226 574,3 | 105,7 |
| Фарғона вилояти | 4 705 226,8 | 4 962 685,2 | 257 458,4 | 105,5 |
| Хоразм вилояти | 2 576 604,8 | 2 727 552,3 | 150 947,6 | 105,9 |
| Тошкент шаҳри | 4 334 064,3 | 4 885 236,3 | 551 172,0 | 112,7 |

Бюджет кодексининг 3-моддасига асосан айланма касса маблағлари молия йилида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори эканлиги белгиланган.

Шу билан бирга Кодекснинг 141-моддасида айланма касса маблағлари бюджетларнинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик касса узилишини қоплаш мақсадида шакллантирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарорининг 31-иловасида белгиланган республика бюджетининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари ҳақиқатда ҳисобот йилининг II чорагида 126,9 млрд.сўмга, III чорагида 396,2 млрд.сўмга, **жами 523,1 млрд.сўмга кам миқдорда сақланган**.

Бюджет кодекснинг 99-моддасига асосан маҳаллий ҳокимиятлар томонидан маҳаллий бюджетлар айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорларини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳоким қарорлари билан тасдиқланиши белгиланган. 2019 йилги маҳаллий бюджет параметрлари тўғрисидаги маҳаллий ҳокимият қарорлари билан тасдиқланган айланма касса маблағларнинг миқдорларига нисбатан ҳақиқатда 2019 йилнинг I чорагида 28 та ҳолатда 31,2 млрд.сўмга, II чорагида 34 та ҳолатда 37,8 млрд.сўмга, III чорагида 71 та ҳолатда 85,9 млрд. сўмга**, жами 154,9 млрд.сўмга кам миқдорда сақланган.**

Натижада тегишли бюджетларда режалаштирилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида молиялаштирилишини кечиктирилишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 120-моддасига асосан бюджет тизими бюджетларининг харажатлари даромадларнинг тушиши ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши белгиланган.

Ташқи аудит давомида 2019 йилда даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмининг ишлатилиши ҳудудлар кесимида ўрганилганда 2019 йил давомида даромадлар режасининг ошириб бажарилиши натижасида шаклланган маблағларга нисбатан жами **4 та** ҳолатда **855,6 млн.сўмлик ортиқча харажатлар амалга оширилганлиги маълум бўлди.**

млн.сўм

| **Т/р** | **Ҳудудлар номи** | **I-III чораклар якунлари бўйича жами даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми** | **Юқори бюджетдан/га ўтказиб берилган маблағ** | **Жами манба** | **Жами харажат** | **Фарқ** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Навоий шаҳри бюджети | 4 557,7 | 13 725,5 | 18 283,2 | 18 609,4 | -326,2 |
| 2 | Хатирчи тумани бюджети | 7 676,2 | 1 446,0 | 9 122,2 | 9 157,8 | -35,6 |
| 3 | Тошкент вилояти вилоят бюджети | 67 643,4 | 24 277,6 | 91 921,0 | 92 284,7 | -363,7 |
| 4 | Чирчик шаҳри бюджети | 3 081,4 | 1 334,0 | 4 415,4 | 4 545,6 | -130,1 |
| **Жами** | | | | | | -855,6 |

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва ушбу маблағларни сарфлаш тартибини белгиловчи қонун ҳужжатини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

## *Давлат бюджетининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари*

Тақдим этилган ҳисоботга кўра 2020 йил 1 январь ҳолатига дебитор қарздорлик бюджет маблағлари ҳисобидан 6 254,2 млрд. сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2 415,6 млрд.сўм жами 8 669,8 млрд.сўмни ташкил этган.

Кредитор қарздорлик бюджет маблағлари ҳисобидан 5 004,6 млн.сўм, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан 2 533,0 млрд.сўм жами 7 537,6 млрд.сўмни ташкил этган.

2020 йил 1 январь ҳолатига мавжуд дебитор қарздорликлар 2019 йил 1 январь ҳолатига нисбати қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

млн. сўм

| **Харажатлар таркиби** | **Жами** | шундан | |
|---|---|---|---|
| | | **бюджет маблағлари бўйича** | **бюджетдан ташқари маблағлар бўйича** |
| **2019 йил 1 январь ҳолатига** | | | |
| **Дебиторлик қарзи – жами** | **5 991 980,4** | **4 356 574,3** | **1 635 406,1** |
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 1 290,5 | 1 012,1 | 278,4 |
| Иш ҳақидан ажратмалар | 713,5 | 427,7 | 285,8 |
| Капитал қўйилмалар | 671 494,0 | 549 816,5 | 121 677,5 |
| Бошқа харажатлар | 4 425 140,7 | 3 804 778,5 | 620 362,2 |
| Гуруҳларга киритилгандан ташқари | 893 341,7 | 539,5 | 892 802,2 |
| **2020 йил 1 январь ҳолатига** | | | |
| **Дебиторлик қарзи – жами** | **8 669 804,2** | **6 254 244,4** | **2 415 559,8** |
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 1 962,5 | 1 797,8 | 164,7 |
| Иш ҳақидан ажратмалар | 388,2 | 105,3 | 282,9 |
| Капитал қўйилмалар | 933 428,5 | 804 116,0 | 129 312,5 |
| Бошқа харажатлар | 5 955 907,5 | 5 447 535,1 | 508 372,4 |
| Гуруҳларга киритилгандан ташқари | 1 778 117,4 | 690,2 | 1 777 427,2 |
| **Ўсиши/камайиши (фоизда)** | | | |
| **Дебиторлик қарзи – жами** | **145%** | **144%** | **148%** |
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 152% | 178% | 59% |
| Иш ҳақидан ажратмалар | 54% | 25% | 99% |
| Капитал қўйилмалар | 139% | 146% | 106% |
| Бошқа харажатлар | 135% | 143% | 82% |
| Гуруҳларга киритилгандан ташқари | 199% | 128% | 199% |

Дебитор қарздорликларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, жами 8 669,8 млрд.сўм дебитор қарздорлик ўтган йилги дебитор қарздорликка нисбатан қарийб **1,5 баробарга ошган**.

Гуруҳлар кесимида дебитор қарздорликларни ўрганилганда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 2,0 млрд.сўмни, капитал қўйилмалар бўйича 933,4 млрд. сўмни, бошқа харажатлар бўйича 5 955,9 млрд.сўмни, гуруҳларга киритилгандан ташқари харажатлар 1 778,1 млрд.сўмни ташкил этиб, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 1,5 баробарга, капитал қўйилмалар бўйича 1,4 баробарга, бошқа харажатлар бўйича 1,3 баробарга ва гуруҳларга киритилгандан ташқари харажатлар бўйича дебитор қарздорликлар 2 баробарга ошган.

Иш ҳақидан ажратмалар бўйича дебитор қарздорлик 0,4 млрд.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробарга камайган.2020 йил 1 январь ҳолатига мавжуд кредитор қарздорликлар 2019 йил 1 январь ҳолатига нисбати қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

млн. сўм

| **Харажатлар таркиби** | **Жами** | шундан | |
|---|---|---|---|
| | | **бюджет маблағлари бўйича** | **бюджетдан ташқари маблағлар бўйича** |
| **2019 йил 1 январь ҳолатига** | | | |
| **Кредиторлик қарзи – жами** | **5 507 630,4** | **2 990 837,2** | **2 516 793,1** |
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 1 901 164,5 | 1 654 491,8 | 246 672,7 |
| Иш ҳақидан ажратмалар | 641 160,7 | 584 817,0 | 56 343,7 |
| Капитал қўйилмалар | 657 760,4 | 431 000,1 | 226 760,2 |
| Бошқа харажатлар | 986 647,8 | 320 528,4 | 666 119,4 |
| Гуруҳларга киритилгандан ташқари | 1 320 897,1 | 0 | 1 320 897,1 |
| **2020 йил 1 январь ҳолатига** | | | |
| **Кредиторлик қарзи – жами** | **7 537 552,3** | **5 004 599,9** | **2 532 952,4** |
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 2 565 390,1 | 2 192 804,2 | 372 586,0 |
| Иш ҳақидан ажратмалар | 851 082,4 | 767 598,6 | 83 483,8 |
| Капитал қўйилмалар | 1 186 166,5 | 1 037 905,6 | 148 260,9 |
| Бошқа харажатлар | 1 536 875,3 | 1 002 116,1 | 534 759,2 |
| Гуруҳларга киритилгандан ташқари | 1 398037,9 | 4 175,3 | 1 393 862,5 |
| **Ўсиши/камайиши (фоизда)** | | | |
| **Кредиторлик қарзи – жами** | **137%** | **167%** | **101%** |
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 135% | 133% | 151% |
| Иш ҳақидан ажратмалар | 133% | 131% | 148% |
| Капитал қўйилмалар | 180% | 241% | 65% |
| Бошқа харажатлар | 156% | 313% | 80% |
| Гуруҳларга киритилгандан ташқари | 106% | | 106% |

Кредитор қарздорликларнинг ўзгариши таҳлил қилинганда, жами **7 537,6 млрд.сўм** кредитор қарздорлик ўтган йилги кредитор қарздорликка нисбатан **1,4 баробарга ошган**.

Гуруҳлар кесимида таҳлил қилинганда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, иш ҳақига ажратмалар 1,4 баробарга, капитал қўйилмалар 1,8 баробарга, бошқа харажатлар 1,6 баробарга шунингдек, гуруҳларга киритилганидан ташқари кредитор қарздорликлар 1,1 баробарга ошган.

2020 йил 1 январь ҳолатига бюджет маблағлари бўйича иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 2 192,8 млрд.сўм ёки йил бошига нисбатан 133 фоизга ҳамда иш ҳақига ажратмалар 767,6 млрд.сўм ёки йил бошига нисбатан **131 фоизга ошган**.

Мазкур қарздорлик таҳлил қилинганда ҳақиқий қарздорлик ва ҳисоботда кўрсатилган қарздорлик ўртасида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 27,6 млрд.сўм ва иш ҳақига ажратмалар бўйича 7,8 млрд.сўм, жами **35,4 млрд.сўмга фарқ борлиги аниқланди**.

млрд.сўм

| **Харажатлар таркиби** | **1 январь 2019 йил ҳолатига кредитор қарздорлик ҳисобот бўйича** | **Касса харажати** | **Хақиқий харажати** | **1 январь 2020 йил ҳолатига кредитор қарздорлик ҳисобот бўйича** | **Аудит натижасида кредитор қарздорлик** | **Фарқи** (кўп) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **2 237,3** | **46 166,3** | **46 794,7** | **2 958,5** | **2 923,1** | **35,4** |
| Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар | 1 653,5 | 38 000,8 | 38 510,8 | 2 191,0 | 2 163,4 | 27,6 |
| Иш ҳақидан ажратмалар | 584,4 | 8 108,6 | 8 283,9 | 767,5 | 759,7 | 7,8 |

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 161-моддаси билан меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда белгиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас деб белгиланган.

Молия вазирлигининг 2019 йил 4 январдаги 2-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан халқ таълими, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар учун ажратиладиган ижтимоий мақсадли трансфертларни, ҳудудларни ойлик тасдиқланган харажатлар ёйилмасидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақининг иккинчи ярми тўловлари учун мақсадли трансфертларнинг 60 фоизи ҳар ойнинг биринчи икки иш куни ичида, 40 фоизини эса ҳар ойнинг 15 санасидан бошлаб икки иш куни ичида ўтказиш тасдиқланган.

Бюджет маблағлари бўйича асосий иш ҳақи ва иш ҳақига устама ва қўшимча тўловлар кредитор қарздорлиги 2 118,1 млрд.сўмни ташкил этади. Ушбу қарздорлик таҳлил қилинганда 2019 йил декабрь ойида тўланиши лозим бўлган **459,2 млрд.сўм** маблағлар 2020 йил январь ойига **кредитор қарздорлик сифатида ўтганлиги маълум бўлди**.

млрд.сўм

| Харажатлар таркиби | Ҳақиқий харажати | Ўртача бир ойлик | Шундан 60 фоизи | Кредитор қарздорлик | Фарқи |
|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **33 178,2** | **2 764,8** | **1 658,9** | **2 118,1** | **459,2** |
| Асосий иш ҳақи | 31 821,5 | 2 651,8 | 1 591,1 | 2 015,5 | 424,4 |
| Иш ҳақига устама ва қўшимча тўловлар | 1 356,7 | 113,0 | 67,8 | 102,6 | 34,8 |

Маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг дебиторлик қарзлари 2020 йил 1 январь ҳолатига 877,6 млрд. сўмни ташкил этган ёки ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан **1,3 бароборга ўсган.**

млн. сўм

| Т/р | Ҳудудлар номи | 01.01.2019 й. ҳолатига | 01.01.2020 й. ҳолатига | Ўсиши/камайиши, фоизда |
|---|---|---|---|---|
| **Х** | **Маҳаллий бюджет, жами** | **691 079,5** | **877 632,9** | **127%** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 25 305,1 | 33 459,3 | 132% |
| 2 | Андижон вилояти | 35 482,0 | 36 905,8 | 104% |
| 3 | Бухоро вилояти | 27 052,8 | 31 622,1 | 117% |
| 4 | Жиззах вилояти | 20 802,8 | 10 209,1 | 49% |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 14 777,7 | 25 629,9 | 173% |
| 6 | Навоий вилояти | 94 464,7 | 171 035,5 | 181% |
| 7 | Самарқанд вилояти | 34 083,5 | 50 812,0 | 149% |
| 8 | Наманган вилояти | 16 986,9 | 50 363,1 | 296% |
| 9 | Сирдарё вилояти | 28 681,9 | 22 420,1 | 78% |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 32 115,4 | 50 659,3 | 158% |
| 11 | Тошкент вилояти | 98 167,4 | 135 862,6 | 138% |
| 12 | Фарғона вилояти | 58 780,0 | 71 174,6 | 121% |
| 13 | Хоразм вилояти | 14 383,9 | 22 118,5 | 154% |
| 14 | Тошкент шаҳри | 189 995,4 | 165 361,1 | 87% |

Дебитор қарздорлик 2019 йил бошига нисбатан Наманган вилоятида 3 баробарга, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида қарийб 2 баробарга ўсган бўлиб, Тошкент шаҳрида 13 фоизга ҳамда Жиззах вилоятида 50 фоизга камайган.

Маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар бўйича кредиторлик қарзлари 2020 йил 1 январь ҳолатига 3 620,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг ҳисобот даврига нисбатан **1,4 баробарга ўсган**.

млн. сўм

| т/р | Ҳудудлар номи | 01.01.2019 й. ҳолатига | 01.01.2020 й. ҳолатига | Ўсиши/камайиши, фоизда |
|---|---|---|---|---|
| **Х** | **Маҳаллий бюджет, жами** | **2 586 573,7** | **3 620 167,6** | **140%** |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 151 456,5 | 228 414,4 | 151% |
| 2 | Андижон вилояти | 238 629,6 | 323 226,8 | 135% |
| 3 | Бухоро вилояти | 154 609,5 | 218 775,6 | 142% |
| 4 | Жиззах вилояти | 142 147,9 | 138 010,4 | 97% |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 204 562,1 | 374 519,7 | 183% |
| 6 | Навоий вилояти | 99 921,0 | 162 279,4 | 162% |
| 7 | Самарқанд вилояти | 230 058,1 | 342 086,9 | 149% |
| 8 | Наманган вилояти | 173 164,3 | 232 293,7 | 134% |
| 9 | Сирдарё вилояти | 93 235,8 | 141 343,4 | 152% |
| 10 | Сурхондарё вилояти | 194 010,0 | 215 114,8 | 111% |
| 11 | Тошкент вилояти | 206 810,3 | 303 861,6 | 147% |
| 12 | Фарғона вилояти | 289 468,1 | 409 775,6 | 142% |
| 13 | Хоразм вилояти | 121 200,2 | 181 864,0 | 150% |
| 14 | Тошкент шаҳри | 287 300,3 | 348 601,2 | 121% |

Кредитор қарздорлик 2019 йил бошига нисбатан Қашқадарё вилоятида қарийб 2 баробарга, Навоий вилоятида 1,6 баробарга ҳамда Сурхондарё вилоятида 1,5 баробарга ўсган.

## III. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ИЖРОСИ

### *3.1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси*

#### *3.1.1. Жамғарманинг даромадлари бўйича*

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси жами даромадлар аниқланган режаси 19 758,6 млрд.сўмни, ижроси 24 339,0 млрд. сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 123,2 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Республика бюджети ҳисобидан Пенсия жамғармаси орқали амалга ошириладиган тўловлар учун тушум миқдори 2 538,7 млрд.сўмни ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобидан амалга ошириладиган (бензин) компенсация тўловлари учун тушум миқдори 1,4 млрд.сўм этиб кўрсатилган.

млн.сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Жамғарма ҳисоботи бўйича | Аниқланган режага нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | фоиз | сумма (+;-) |
| **ЖАМИ ресурслар** | | х | **33 852 768,3** | | |
| Ҳисобот даври бошига қолдиқ | | х | 6 973 596,3 | | |
| **I.** | **Даромадлар** | **19 758 593,4** | **24 339 042,7** | **123,2** | **4 580 449,3** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 1.1 | Юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов | 17 584 052,7 | 20 722 050,7 | 117,8 | 3 137 998,0 |
| 1.2 | Юридик шахсларнинг ягона солиқ тўлови | 860 042,3 | 1 116 647,1 | 129,8 | 256 604,8 |
| 1.3 | Бошқа даромадлар | 1 014 498,5 | 2 140 354,6 | 211,0 | 1 125 856,1 |
| 1.4 | Бошқа солиқсиз тушумлар | 300 000,0 | 309 990,3 | 103,3 | 9 990,3 |
| **II.** | **Республика бюджети ҳисобидан Пенсия жамғарма орқали амалга ошириладиган тўловлар учун тушум** | | **2 538 678,7** | | |
| **III.** | **“Ўзбекнефтгаз” АК ҳисобидан амалга ошириладиган (бензин) компенсация тўлови учун тушум** | | **1 450,6** | | |

Жамғарма ҳисоботи ўрганилганда йил бошидаги қолдиқ 6 973 596,3 млн.сўм кўрсатилган бўлиб, ҳақиқатда Молия вазирлиги Ғазначилиги ДМБАТ дастури орқали ушбу қолдиқ шакллантирилганда 6 973 625,4 млн.сўм ёки **29,1 млн.сўм**га кам кўрсатилганлиги аниқланди.

Жамғарманинг йил бошидаги қолдиқ маблағи таркибида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасида 2019 йилда фоизсиз қайтариш шарти билан 2018 йилда ажратилган **1 500,0 млрд.сўм** маблағ мавжуд.

Пенсия жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўртасида 2018 йил 26 сентябрда имзоланган 5-сон шартнома ҳамда 2019 йил 1 июлдаги 1-сон қўшимча келишувга мувофиқ, фоизсиз ажратилган маблағ 2019 йил 20 декабрда қайтарилиши белгиланган. Ушбу маблағ ўрганиш кунига қадар Пенсия жамғармаси **ҳисоб рақамига қайтиб тушмаган.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 8 майдаги 02/1-718-сонли топшириғига асосан Молия вазирлигининг ушбу маблағларни депозит сифатида ҳисоботда акс эттириш тўғрисидаги таклифига розилик берилиб, ҳисоботда йил охиридаги қолдиқ маблағ таркибида акс эттирилган.

млн.сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро | Аудит натижаси бўйича ижро | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| **ЖАМИ ресурслар** | | **33 852 768,3** | **33 852 797,4** | **29,1** |
| Ҳисобот даври бошига қолдиқ | | 6 973 596,3 | 6 973 625,4 | 29,1 |
| **I.** | **Даромадлар** | **24 339 042,7** | **24 339 042,7** | |
| | *шу жумладан* | | | |
| 1.1 | Юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов | 20 722 050,7 | 20 722 050,7 | |
| 1.2 | Юридик шахсларнинг ягона солиқ тўлови | 1 116 647,1 | 1 116 647,1 | |
| 1.3 | Бошқа даромадлар | 2 140 354,6 | 2 140 354,6 | |
| 1.4 | Бошқа солиқсиз тушумлар | 309 990,3 | 309 990,3 | |
| **II.** | **Республика бюджети ҳисобидан Пенсия жамғарма орқали амалга ошириладиган тўловлар учун тушум** | **2 538 678,7** | **2 538 678,7** | |
| **III.** | **“Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобидан амалга ошириладиган (бензин) компенсация тўлови учун тушум** | **1 450,6** | **1 450,6** | |

### *3.1.2. Жамғарманинг харажатлари бўйича*

Жамғарманинг ҳисоботига кўра 2019 йилда харажатлари аниқланган режаси 26 245,0 млрд.сўмни, ижроси 26 242,7 млрд. сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 99,9 фоизни ташкил қилган.

Республика бюджети ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ манбаси ҳисобидан амалга оширилувчи тўловлар бўйича 2019 йилда Пенсия жамғармаси орқали харажатлар миқдори жами 2 540,0 млрд. сўмни ташкил этган.

млн. сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Жамғарма ҳисоботи бўйича | Аниқланган режага нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | фоизда | сумма (+;-) |
| **I.** | **ХАРАЖАТЛАР** | **26 245 000,0** | **26 242 753,3** | **99,9** | **-2 246,7** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 1.1 | Пенсия ва бошқа тўловлар харажати | 26 205 000,0 | 26 202 833,7 | 99,9 | -2 166,3 |
| 1.2 | Бошқа харажатлар | 40 000,0 | 39 919,6 | 99,8 | -80,4 |
| **II.** | **Республика бюджети ҳисобидан Пенсия жамғарма орқали амалга ошириладиган тўловлар** | | **2 538 703,8** | | |
| **III.** | **“Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобидан амалга ошириладиган (бензин) компенсация тўлови** | | **1 342,9** | | |
| **IV.** | **Ҳисоб даври охирига қолдиқ** | | **5 069 968,3** | | |
| | *шундан “Ўзбекнефтгаз” АЖ маблағлари қолдиғи* | | *192,4* | | |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4555-сонли қарори билан Жамғарманинг 2019 йил учун аниқланган харажатлар режаси 26 260,0 млрд.сўм қилиб белгиланган.

Жамғарма ҳисоботида кўрсатилган харажатларнинг аниқланган режаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ - 4555 - сонли қарори билан белгиланган харажатлар режаси билан солиштирилганда, жамғарма ҳисоботида жами **15,0 млрд.сўмга кам** кўрсатилганлиги маълум бўлди.

млн. сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича аниқланган режа | Аудит натижаси бўйича аниқланган режа | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| **I.** | **ХАРАЖАТЛАР** | **26 245 000,0** | **26 260 000,0** | **-15 000,0** |
| | *шу жумладан* | | | |
| 1.1 | Пенсия ва бошқа тўловлар харажати | 26 205 000,0 | 26 220 000,0 | -15 000,0 |
| 1.2 | Бошқа харажатлар | 40 000,0 | 40 000,0 | |

Пенсия жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўртасида 2019 йил 5 июлда имзоланган 8-сон шартнома ҳамда 2019 йил 30 августдаги 1-сон ва 2019 йил 16 декабрдаги 2-сон қўшимча келишувларга мувофиқ, фоизсиз ажратилган **400,0 млрд.сўм** маблағ 2019 йил 25 декабрда қайтарилиши белгиланган. Ушбу маблағ ўрганиш кунига қадар Пенсия жамғармаси **ҳисоб рақамига қайтиб тушмаган.**

Пенсия жамғармаси ва Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўртасида 2019 йил 6 сентябрда имзоланган 10-сон шартнома ҳамда 2019 йил 16 декабрдаги 1-сон қўшимча келишувига мувофиқ 3 фоиз устама тўлаш шарти билан ажратилган **100,0 млрд.сўм** маблағни 2019 йил 25 декабрда қайтарилиши белгиланган. Ушбу маблағ ўрганиш кунига қадар Пенсия жамғармаси **ҳисоб рақамига қайтиб тушмаган**.

млн. сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро | Аудит натижаси бўйича ижро | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| **I.** | **ХАРАЖАТЛАР** | **26 242 753,3** | **26 242 753,3** | |
| | *шу жумладан* | | | |
| 1.1 | Пенсия ва бошқа тўловлар харажати | 26 202 833,7 | 26 202 833,7 | |
| 1.2 | Бошқа харажатлар | 39 919,6 | 39 919,6 | |
| II. | Республика бюджети ҳисобидан Пенсия жамғарма орқали амалга ошириладиган тўловлар | 2 538 703,8 | 2 538 703,8 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро | Аудит натижаси бўйича ижро | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| III. | “Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобидан амалга ошириладиган (бензин) компенсация тўлови | 1 342,9 | 1 342,9 | |
| IV. | Ҳисоб даври охирига қолдиқ | 5 069 968,3 | 5 069 997,4 | 29,1 |
| | шундан “Ўзбекнефтгаз” АЖ маблағлари қолдиғи | 192,4 | 192,4 | |

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари”нинг 11-бандида Ягона ғазна ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар молиявий ҳисоботларни юқори турувчи ташкилотларга, бюджет маблағлари тақсимловчиларига ва ҳудудий молия органларига тақдим қилишдан олдин молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини тегишли ҳисобот даврида ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилган касса харажатларига мувофиқлигини уларга хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмалари билан солиштириши лозимлиги белгиланган.

Жамғарма ҳисоботи маълумотлари Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (*кейинги ўринларда ДМБАТ деб юритилади*) дастурида ўрганилганда, пенсия жамғармаси томонидан тижорат банкларига жойлаштирган депозит маблағлари ҳисобидан 2019 йил 13 сентябрь куни қайтарилган **15,0 млрд.сўм** Ғазначилик томонидан ДМБАТ дастурида жамғарманинг даромадлар қисмига нотўғри қабул қилинганлиги аниқланди. Ушбу маблағлар жамғарма ҳисоботида даромадларни камайтирган ҳолда акс эттирилган бўлиб, амалда **ДМБАТ дастурида тўғриланмаган**.

Пенсия жамғармаси харажатларининг жами **355,0 млн.сўм** қайтарилган қисми Ғазначилик томонидан ДМБАТ дастурида жамғарманинг даромадлар қисмига нотўғри қабул қилинганлиги аниқланди. Ушбу маблағлар жамғарма ҳисоботида даромадлар қисмида акс эттирилмасдан харажатларни камайтирган ҳолда кўрсатилган бўлиб, амалда **ДМБАТ дастури тўғриланмаган**.

Бундан ташқари, Жамғарма ҳисоботида тижорат банкларида мавжуд депозит маблағлари 2 152,0 млрд.сўм кўрсатилган бўлиб, ДМБАТ дастуридаги бош китоб билан солиштирилганда (2 112,0 млрд.сўмга нисбатан) **40,0 млрд.сўмга кам акс эттирилганлиги маълум бўлди**.

Ушбу ҳолат ўрганилганда амалда тижорат банкларидаги депозит маблағлари 2 152,0 млрд.сўм бўлиб, **Ғазначилик томонидан жамғарма бош китоби нотўғри юритилганлиги маълум бўлди**.

Натижада Жамғарманинг 2019 йилги даромадлари 24 339,0 млрд.сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 123,2 фоизни, касса харажатлари эса 26 242,7 млрд.сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 99,9 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн.сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Жамғарма ҳисоботи бўйича | Аниқланган режага нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | фоиз | сумма (+;-) |
| **ЖАМИ ресурслар** | | | **33 852 797,4** | | |
| Ҳисобот даври бошига қолдиқ | | | 6 973 625,4 | | |
| **I.** | **Даромадлар** | **19 758 593,4** | **24 339 042,7** | **123,2** | **4 580 449,3** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 1.1 | Юридик шахсларнинг иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов | 17 584 052,7 | 20 722 050,7 | 117,8 | 3 137 998,0 |
| 1.2 | Юридик шахсларнинг ягона солиқ тўлови | 860 042,3 | 1 116 647,1 | 129,8 | 256 604,8 |
| 1.3 | Бошқа даромадлар | 1 014 498,5 | 2 140 354,6 | 211,0 | 1 125 856,1 |
| 1.4 | Бошқа солиқсиз тушумлар | 300 000,0 | 309 990,3 | 103,3 | 9 990,3 |
| **II.** | **Республика бюджети ҳисобидан Пенсия жамғарма орқали амалга ошириладиган тўловлар учун тушум** | | **2 538 678,7** | | |
| **III.** | **“Ўзбекнефтгаз” АК ҳисобидан амалга ошириладиган (бензин) компенсация тўлови учун тушум** | | **1 450,6** | | |
| **I.** | **ХАРАЖАТЛАР** | **26 260 000,0** | **26 242 753,3** | **99,9** | **-17 246,7** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 1.1 | Пенсия ва бошқа тўловлар харажати | 26 220 000,0 | 26 202 833,7 | 99,9 | -17 166,3 |
| 1.2 | Бошқа харажатлар | 40 000,0 | 39 919,6 | 99,8 | -80,4 |
| **II.** | **Республика бюджети ҳисобидан Пенсия жамғарма орқали амалга ошириладиган тўловлар** | | **2 538 703,8** | | |
| **III.** | **“Ўзбекнефтгаз” АЖ ҳисобидан амалга ошириладиган (бензин) компенсация тўлови** | | **1 342,9** | | |
| **IV.** | **Ҳисоб даври охирига қолдиқ** | | **5 069 997,4** | | |
| | *шундан “Ўзбекнефтгаз” АЖ маблағлари қолдиғи* | | *192,4* | | |

## *3.2. Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш* жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси

### *3.2.1. Жамғарманинг даромадлари бўйича*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Жамғарманинг жами даромадлари аниқланган режаси 150,0 млн.сўмни, ижроси 480,7 млрд. сўмни ёки аниқлаштирилган режага нисбатан 320,5 фоизни ташкил этганлиги кўрсатилган.

Хусусан, Жамғармага йўналтириладиган корхоналарни, хўжалик жамиятларининг устав фондидаги акциялар сотишдан тушумлар 42,5 млрд.сўмни, ер участкалари реализациясидан 3,9 млрд.сўм, давлат мулкини ижарага беришдан 34,3 млрд.сўм, давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни сотишдан 357,9 млрд.сўм ва бошқа даромадлардан 42,1 млрд.сўм даромад келиб тушган.

млн.сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Жамғарма ҳисоботи бўйича | Аниқланган режага нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | фоиз | сумма (+;-) |
| **ЖАМИ ресурслар** | | **х** | **624 478,4** | | |
| Ҳисобот даври бошига қолдиқ | | х | 143 732,3 | | |
| **1.** | **Даромадлар** | **150 000,0** | **480 746,1** | **320,5%** | **330 746,1** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 1.1 | Акцияларни сотишдан тушум | - | 42 503,2 | - | 42 503,2 |
| 1.2 | Ер участкаларини реализациясидан тушум | 1 500,0 | 3 902,4 | 260,2% | 2 402,4 |
| 1.3 | Давлат мулкини ижарага беришдан тушум | 28 000,0 | 34 317,2 | 122,6% | 6 317,2 |
| 1.4 | Давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни сотишдан тушум | 100 000,0 | 357 881,0 | 357,9% | 257 881,0 |
| 1.5 | Бошқа даромадлар | 20 500,0 | 42 142,2 | 205,6% | 21 642,2 |

Аудит жараёнида Жамғарманинг 399910860262947011359021003 махсус ҳисоб рақамига 2019 йилнинг 19 ва 22 апрель кунлари 5 та тўлов топшириқномасига асосан 2 та жисмоний шахсдан **619,4 млн.сўмлик** тушумлар келиб тушгани аниқланди. Мазкур маблағлар Жамғарма ҳисоботида **даромадлар сифатида кўрсатилмаган**.

млн.сўм

| **Т/р** | **Кўрсаткичлар** | **Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро** | **Аудит натижаси бўйича ижро** | **Фарқи** |
|---|---|---|---|---|
| **ЖАМИ ресурслар** | | **624 478,4** | **625 097,8** | **-619,4** |
| Ҳисобот даври бошига қолдиқ | | 143 732,3 | 143 732,3 | |
| **1.** | **Даромадлар** | **480 746,1** | **481 365,5** | **-619,4** |
| | *шу жумладан* | | | |
| 1.1 | Акцияларни сотишдан тушум | 42 503,2 | 42 503,2 | |
| 1.2 | Ер участкаларини реализациясидан тушум | 3 902,4 | 3 902,4 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича ижро | Аудит натижаси бўйича ижро | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| 1.3 | Давлат мулкини ижарага беришдан тушум | 34 317,2 | 34 317,2 | |
| 1.4 | Давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни сотишдан тушум | 357 881,0 | 357 881,0 | |
| 1.5 | Бошқа даромадлар | 42 142,2 | 42 761,7 | -619,4 |

### *3.2.2. Жамғарманинг харажатлари бўйича*

Жамғарманинг ҳисоботига кўра 2019 йил жами харажатлар аниқланган режаси 150,0 млрд.сўмни, ижроси 402,6 млрд. сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 268,4 фоизни ташкил қилган.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига 146,9 млрд.сўм, Давлат активларини бошқариш агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига 81,2 млрд.сўм, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорларига кўра ўтказиладиган тўловлар ва бошқа харажатларга 157,7 млрд.сўм маблағ сарфланган.

млн. сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Жамғарма ҳисоботи бўйича | Аниқланган режага нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | фоизда | сумма (+;-) |
| **1.** | **Харажатлар** | **150 000,0** | **402 578,0** | **268,4%** | **252 578,0** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 1.1 | Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ажратмалар | 47 000,0 | 146 931,9 | 312,6% | 99 931,9 |
| 1.2 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларига ажратмалар | 8 800,0 | 12 893,3 | 146,5% | 4 093,3 |
| 1.3 | Республика Савдо-саноат палатасига ажратмалар | 2 300,0 | 3 916,5 | 170,3% | 1 616,5 |
| 1.4 | Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратмалар | 66 900,0 | 81 160,1 | 121,3% | 14 260,1 |
| 1.5 | Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорларига кўра ўтказиладиган тўловлар ва бошқа харажатлар | 25 000,0 | 157 676,2 | 630,7% | 132 676,2 |
| | Ҳисоб даври охирига қолдиқ | | 221 900,4 | | |

Жамғарма даромадларида кўрсатилмаган 619,4 млн.сўм даромадларда акс эттирилиши натижасида ҳисобот даври охирига қолдиқ суммаси 619,4 млн.сўмга кўпаяди.

млн. сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича | Аудит натижаси бўйича | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| | *Ҳисобот даври бошига қолдиқ* | *143 732,3* | *143 732,3* | |
| 1. | Даромад, жами | 480 746,1 | 481 365,5 | -619,4 |
| 2. | Харажат, жами | 402 578,0 | 402 578,0 | |
| | *Ҳисоб даври охирига қолдиқ* | *221 900,0* | *222 519,8* | *-619,4* |

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари”нинг 11-бандида Ягона ғазна ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар молиявий ҳисоботларни юқори турувчи ташкилотларга, бюджет маблағлари тақсимловчиларига ва ҳудудий молия органларига тақдим қилишдан олдин молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини тегишли ҳисобот даврида ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилган касса харажатларига мувофиқлигини уларга хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмалари билан солиштириши лозимлиги белгиланган.

Жамғарма томонидан 2019 йил 28 декабрда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисобрақамига ўтказилган **1,1 млрд.сўм** маблағ харажатларнинг вазифа жиҳатидан 7 018 505 (Давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари жамғармаларига бериладиган маблағлар) нотўғри таснифи бўйича харажат қилинган. Ушбу маблағлар жамғарма ҳисоботида харажатлар вазифа жиҳатидан 7011 355 (Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорларига кўра давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг жами маблағларидан бир йўла бериладиган тўловлар)да акс эттирилган бўлиб, амалда **ДМБАТ дастурида тўғриланмаган**.

Жамғарма ҳисоботи маълумотлари ДМБАТ дастури маълумотлари билан солиштириб ўрганилганда, Жамғарманинг **70,3 млрд.сўм**лик харажатлари Ғазначилик томонидан даромадларнинг қайтарилиши кўринишида нотўғри қабул қилинганлиги аниқланди. Ушбу маблағлар жамғарма ҳисоботида харажатларда акс эттирилган бўлиб, амалда **ДМБАТ дастурида тўғриланмаган**.

Жамғарма маблағларидан қайтарилган **1 млн.сўм** ДМБАТ дастурида Ғазначилик томонидан харажатлар таркибида нотўғри акс эттирилганлиги маълум бўлди. Ушбу маблағлар жамғарма ҳисоботида даромадларни қайтарилиши сифатида қайд қилиниб, амалда **ДМБАТ дастурида тўғриланмаган**.

Натижада Жамғарманинг 2019 йилги даромадлари 481,4 млрд.сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 320,9 фоизни, касса харажатлари эса 402,6 млрд.сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 268,4 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн.сўм

| Т/р | Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Жамғарма ҳисоботи бўйича | Аниқланган режага нисбатан | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | фоиз | сумма (+;-) |
| **ЖАМИ ресурслар** | | **х** | **625 097,8** | | |
| Ҳисобот даври бошига қолдиқ | | х | 143 732,3 | | |
| **1.** | **Даромадлар** | **150 000,0** | **481 365,5** | **320,9%** | **331 365,5** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 1.1 | Акцияларни сотишдан тушум | - | 42 503,2 | - | 42 503,2 |
| 1.2 | Ер участкаларини реализациясидан тушум | 1 500,0 | 3 902,4 | 260,2% | 2 402,4 |
| 1.3 | Давлат мулкини ижарага беришдан тушум | 28 000,0 | 34 317,2 | 122,6% | 6 317,2 |
| 1.4 | Давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни сотишдан тушум | 100 000,0 | 357 881,0 | 357,9% | 257 881,0 |
| 1.5 | Бошқа даромадлар | 20 500,0 | 42 761,7 | 208,6% | 22 261,2 |
| **2.** | **Харажатлар** | **150 000,0** | **402 578,0** | **268,4%** | **252 578,0** |
| | *шу жумладан* | | | | |
| 2.1 | Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ажратмалар | 47 000,0 | 146 931,9 | 312,6% | 99 931,9 |
| 2.2 | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятларига ажратмалар | 8 800,0 | 12 893,3 | 146,5% | 4 093,3 |
| 2.3 | Республика Савдо-саноат палатасига ажратмалар | 2 300,0 | 3 916,5 | 170,3% | 1 616,5 |
| 2.4 | Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратмалар | 66 900,0 | 81 160,1 | 121,3% | 14 260,1 |
| 2.5 | Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қарорларига кўра ўтказиладиган тўловлар ва бошқа харажатлар | 25 000,0 | 157 676,2 | 630,7% | 132 676,2 |
| | Ҳисобот  даври охирига қолдиқ | | 222 519,8 | | |

### *3.3. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси прогноз параметрларининг ижроси*

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган ҳисоботда Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси жами даромадлари ижроси 450,8 млрд.сўмни, касса харажатлари эса 426,4 млрд.сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 99,6 фоизни ташкил этганлиги қайд этилган.

млн. сўм

| Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Касса ижроси | % |
|---|---|---|---|
| **Даромадлар – жами** | | **465 527,2** | |
| Йил бошидаги қолдиқ | | 14 713,8 | |
| **Даромадлар:** | **317 000,0** | **450 813,4** | **142,2** |
| Ягона ижтимоий тўлов суммасидан 0,1 % мажбурий ажратма | 85 800,0 | 92 614,6 | 107,9 |
| Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | 220 000,0 | 220 000,0 | 100,0 |
| Ўзини ўзи банд қилиш гувоҳномалари учун тўлов суммасидан 20 фоиз миқдоридаги тушумлар | | 985,9 | |
| Жамғарма маблағларининг тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган фоиз кўринишидаги даромадлар | | 19 323,0 | |
| Тижорат банкларига жойлаштирилган маблағларнинг қайтарилиши | | 105 219,7 | |
| Пеня ва жарималар хисобидан тушумлар | 6 200,0 | 10 396,1 | 167,7 |
| Бошқа даромадлар | 5 000,0 | 2 274,1 | 45,5 |
| **Харажатлар – жами** | **428 255,8** | **426 393,1** | **99,6** |
| Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўқув марказлари харажатлари | 43 671,3 | 43 393,2 | 99,4 |
| Ишсизлик нафақаси ва бошқа моддий кўмак | 26 653,3 | 26 342,6 | 98,8 |
| Муддатидан олдин пенсия харажатларини тўлаш | 2 398,8 | 2 340,5 | 97,6 |
| Замонавий компьютер технологияларини жорий қилиш ҳамда меҳнат органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш | 163 557,0 | 162 877,8 | 99,6 |
| Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини сақлаш харажатлари | 9 738,8 | 9 633,4 | 98,9 |
| Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига 10 фоизли ажратма | 27 799,5 | 27 753,9 | 99,9 |
| Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банкларга бериладиган микрокредитлар | 124 751,1 | 124 509,2 | 99,8 |
| "Ягона миллий меҳнат тизими" ва бошқа ахборот тизимларини ни ишлаб чиқиш, жорий этиш, меҳнат соҳаси органлари АКТ инфратузилмасини такомиллаштириш | 6 479,7 | 6 411,7 | 99,0 |

| Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Касса ижроси | % |
|---|---|---|---|
| Илмий ишланмалар, тадқиқот ва социологик текширувларни молиялаштириш, шунингдек, илмий-амалий семинарлар, конференцияларни ўтказиш ҳамда меҳнат, бандлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги хизмат сафарларида иштирок этиш | 2 528,3 | 2 528,3 | 100,0 |
| Меҳнат органларидаги ходимлар малакасини ошириш бўйича республика курсларини молиялаштириш | 4 608,0 | 4 608,0 | 100,0 |
| Бошқа харажатлар | 16 070,6 | 15 994,6 | 99,5 |
| **Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи** | | **39 134,1** | |

Жамғарма ҳисоботи бўйича харажатлар аниқланган режаси 428,3 млрд.сўм кўрсатилган бўлиб, харажатлар таркиби бўйича ўрганилганда замонавий компьютер технологияларини жорий қилиш ҳамда меҳнат органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш харажатлари режаси **5,5 млрд.сўм**га кам ва бошқа харажатлар режаси 5,5 млрд.сўмга кўп кўрсатилганлиги маълум бўлди.

млн.сўм

| Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича аниқланган режа | Аудит натижаси бўйича аниқланган режа | Фарқи |
|---|---|---|---|
| **Харажатлар – жами** | **428 255,8** | **428 255,8** | |
| Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўқув марказлари харажатлари | 43 671,3 | 43 671,3 | |
| Ишсизлик нафақаси ва бошқа моддий кўмак | 26 653,3 | 26 653,3 | |
| Муддатидан олдин пенсия харажатларини тўлаш | 2 398,8 | 2 398,8 | |
| Замонавий компьютер технологияларини жорий қилиш ҳамда меҳнат органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш | 163 557,0 | 169 041,2 | 5 484,2 |
| Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини сақлаш харажатлари | 9 738,8 | 9 738,8 | |
| Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига 10 фоизли ажратма | 27 799,5 | 27 799,5 | |
| Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банкларга бериладиган микрокредитлар | 124 751,1 | 124 751,1 | |

| Кўрсаткичлар | Жамғарма ҳисоботи бўйича аниқланган режа | Аудит натижаси бўйича аниқланган режа | Фарқи |
|---|---|---|---|
| "Ягона миллий меҳнат тизими" ва бошқа ахборот тизимларини ни ишлаб чиқиш, жорий этиш, меҳнат соҳаси органлари АКТ инфратузилмасини такомиллаштириш | 6 479,7 | 6 479,7 | |
| Илмий ишланмалар, тадқиқот ва социологик текширувларни молиялаштириш, шунингдек, илмий-амалий семинарлар, конференцияларни ўтказиш ҳамда меҳнат, бандлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги хизмат сафарларида иштирок этиш | 2 528,3 | 2 528,3 | |
| Меҳнат органларидаги ходимлар малакасини ошириш бўйича республика курсларини молиялаштириш | 4 608,0 | 4 608,0 | |
| Бошқа харажатлар | 16 070,6 | 10 586,4 | -5 484,2 |

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари”нинг 11-бандида Ягона ғазна ҳисобварағи орқали хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар молиявий ҳисоботларни юқори турувчи ташкилотларга, бюджет маблағлари тақсимловчиларига ва ҳудудий молия органларига тақдим қилишдан олдин молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини тегишли ҳисобот даврида ғазначилик бўлинмалари томонидан амалга оширилган касса харажатларига мувофиқлигини уларга хизмат кўрсатувчи ғазначилик бўлинмалари билан солиштириши лозимлиги белгиланган.

Аудит жараёнида Жамғарма ҳисоботида йил бошидаги қолдиқ маблағ 14,7 млрд.сўм кўрсатилган бўлиб, амалдаги 15,1 млрд.сўмга нисбатан **381,9 млн.сўм кам кўрсатилганлиги аниқланди**.

Жамғарма ҳисоботида даромадлар ижроси 450,8 млрд.сўм кўрсатилган бўлиб, (451,6 млрд.сўмга нисбатан) **800,9 млн.сўмга кам акс эттирилган**. Жумладан, пеня ва жарималар ҳисобидан тушумлар (-30,5 млн.сўм) ҳамда бошқа даромадлар (- 770,4 млн.сўм) нотўғри кўрсатилган.

Шунингдек, ҳисоботда харажатлар ижроси 426,4 млрд.сўм кўрсатилган бўлиб, (427,2 млрд.сўмга нисбатан) **834,3 млн.сўмга кам акс эттирилган**.

Хусусан, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тадбирлари (-3,0 млн сўм), ишсизлик нафақаси (2,5 млн.сўм), замонавий компьютер технологияларини жорий қилиш ҳамда меҳнат органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш (-5,5 млрд.сўм) ва бошқа харажатлар (4,6 млрд.сўм) харажатлари нотўғри кўрсатилган.

Жамғарма ҳисоботи маълумотлари Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (*кейинги ўринларда ДМБАТ деб юритилади*) дастурида ўрганилганда, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан тижорат банкларига жойлаштирган маблағлари ҳисобидан 2019 йил 21 январь куни қайтарилган **85,5 млрд.сўм** жамғарманинг бошқа даромадлар қисмига нотўғри қабул қилинганлиги аниқланди. Ушбу маблағлар жамғарма ҳисоботида тижорат банкларига жойлаштирилган маблағларнинг қайтарилиши сифатида акс эттирилган бўлиб, амалда **ДМБАТ дастурида тўғриланмаган**.

млн. сўм

| **Кўрсаткичлар** | **Ҳисобот бўйича ижро** | **Аудит натижаси бўйича ижро** | **Фарқи** |
|---|---|---|---|
| **Даромадлар – жами** | **465 527,2** | **466 710,0** | **-1 182,8** |
| Йил бошидаги қолдиқ | 14 713,8 | 15 095,7 | -381,9 |
| **Даромадлар:** | **450 813,4** | **451 614,3** | **-800,9** |
| Ягона ижтимоий тўлов суммасидан 0,1 % мажбурий ажратма | 92 614,6 | 92 614,6 | |
| Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | 220 000,0 | 220 000,0 | |
| Ўзини ўзи банд қилиш гувоҳномалари учун тўлов суммасидан 20 фоиз миқдоридаги тушумлар | 985,9 | 985,9 | |
| Жамғарма маблағларининг тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган фоиз кўринишидаги даромадлар | 19 323,0 | 19 323,0 | |
| Тижорат банкларига жойлаштирилган маблағларнинг қайтарилиши | 105 219,7 | 105 219,7 | |
| Пеня ва жарималар хисобидан тушумлар | 10 396,1 | 10 426,6 | -30,5 |
| Бошқа даромадлар | 2 274,1 | 3 044,5 | -770,4 |
| **Харажатлар – жами** | **426 393,1** | **427 227,4** | **-834,3** |
| Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўқув марказлари харажатлари | 43 393,2 | 43 396,2 | -3,0 |
| Ишсизлик нафақаси ва бошқа моддий кўмак | 26 342,6 | 26 340,1 | 2,5 |
| Муддатидан олдин пенсия харажатларини тўлаш | 2 340,5 | 2 340,5 | |

| Кўрсаткичлар | Ҳисобот бўйича ижро | Аудит натижаси бўйича ижро | Фарқи |
|---|---|---|---|
| Замонавий компьютер технологияларини жорий қилиш ҳамда меҳнат органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш | 162 877,8 | 168 351,4 | -5 473,6 |
| Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини сақлаш харажатлари | 9 633,4 | 9 633,4 | |
| Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига 10 фоизли ажратма | 27 753,9 | 27 753,9 | |
| Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банкларга бериладиган микрокредитлар | 124 509,2 | 124 509,2 | |
| "Ягона миллий меҳнат тизими" ва бошқа ахборот тизимларини ни ишлаб чиқиш, жорий этиш, меҳнат соҳаси органлари АКТ инфратузилмасини такомиллаштириш | 6 411,7 | 6 411,7 | |
| Илмий ишланмалар, тадқиқот ва социологик текширувларни молиялаштириш, шунингдек, илмий-амалий семинарлар, конференцияларни ўтказиш ҳамда меҳнат, бандлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги хизмат сафарларида иштирок этиш | 2 528,3 | 2 528,3 | |
| Меҳнат органларидаги ходимлар малакасини ошириш бўйича республика курсларини молиялаштириш | 4 608,0 | 4 608,0 | |
| Бошқа харажатлар | 15 994,6 | 11 354,8 | 4 639,8 |
| **Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи** | **39 134,1** | **39 482,6** | **-348,5** |

Натижада Жамғарманинг 2019 йилги даромадлари 451,6 млрд.сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 142,5 фоизни, касса харажатлари эса 427,2 млрд.сўмни ёки аниқланган режага нисбатан 99,8 фоизни ташкил этиши маълум бўлди.

млн.сўм

| Кўрсаткичлар | Аниқланган режа | Аудит натижаси бўйича ижро | % |
|---|---|---|---|
| **Даромадлар – жами** | | **466 710,0** | |
| Йил бошидаги қолдиқ | | 15 095,7 | |
| **Даромадлар:** | **317 000,0** | **451 614,3** | **142,5** |
| Ягона ижтимоий тўлов суммасидан 0,1 % мажбурий ажратма | 85 800,0 | 92 614,6 | 107,9 |
| Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари | 220 000,0 | 220 000,0 | 100,0 |

| **Кўрсаткичлар** | **Аниқланган режа** | **Аудит натижаси бўйича ижро** | **%** |
|---|---|---|---|
| Ўзини ўзи банд қилиш гувоҳномалари учун тўлов суммасидан 20 фоиз миқдоридаги тушумлар | | 985,9 | |
| Жамғарма маблағларининг тижорат банкларига жойлаштиришдан олинган фоиз кўринишидаги даромадлар | | 19 323,0 | |
| Тижорат банкларига жойлаштирилган маблағларнинг қайтарилиши | | 105 219,7 | |
| Пеня ва жарималар ҳисобидан тушумлар | 6 200,0 | 10 426,6 | 168,2 |
| Бошқа даромадлар | 5 000,0 | 3 044,5 | 60,9 |
| **Харажатлар – жами** | **428 255,8** | **427 227,4** | **99,8** |
| Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда ўқув марказлари харажатлари | 43 671,3 | 43 396,2 | 99,4 |
| Ишсизлик нафақаси ва бошқа моддий кўмак | 26 653,3 | 26 340,1 | 98,8 |
| Муддатидан олдин пенсия харажатларини тўлаш | 2 398,8 | 2 340,5 | 97,6 |
| Замонавий компьютер технологияларини жорий қилиш ҳамда меҳнат органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш | 169 041,2 | 168 351,4 | 99,6 |
| Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини сақлаш харажатлари | 9 738,8 | 9 633,4 | 98,9 |
| Меҳнатни рағбатлантириш жамғармасига 10 фоизли ажратма | 27 799,5 | 27 753,9 | 99,8 |
| Тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида банкларга бериладиган микрокредитлар | 124 751,1 | 124 509,2 | 99,8 |
| "Ягона миллий меҳнат тизими" ва бошқа ахборот тизимларини ни ишлаб чиқиш, жорий этиш, меҳнат соҳаси органлари АКТ инфратузилмасини такомиллаштириш | 6 479,7 | 6 411,7 | 99,0 |
| Илмий ишланмалар, тадқиқот ва социологик текширувларни молиялаштириш, шунингдек, илмий-амалий семинарлар, конференцияларни ўтказиш ҳамда меҳнат, бандлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги хизмат сафарларида иштирок этиш | 2 528,3 | 2 528,3 | 100,0 |
| Меҳнат органларидаги ходимлар малакасини ошириш бўйича республика курсларини молиялаштириш | 4 608,0 | 4 608,0 | 100,0 |
| Бошқа харажатлар | 10 586,4 | 11 354,8 | 107,3 |
| **Йил якуни бўйича маблағлар қолдиғи** | | **39 482,6** | |

# ТАШҚИ АУДИТИ ВА БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ХУЛОСА

**1.** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботини ташқи аудити ва баҳолаш якунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджет ҳисоб рақамлари бўйича жами олинган даромадлари, амалга оширилган харажатлари ҳамда қолдиқ маблағлар миқдори **тўлиқ акс эттирилмаган деб баҳоланди.**

**2.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлардаги аниқланган **қўйидаги хато ва камчиликларни бартараф этган** ҳолда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш **тавсия этилади**.

**I. Давлат бюджети даромад қисмининг ижроси**

**1.1.** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари Кенгашларининг қарорларида тасдиқланган маҳаллий бюджет параметрларини ошириш назарда тутилган бўлсада, **66 та** маҳаллий бюджетларнинг параметрлари **201,7 млрд.сўмга** камайтирилиши сабабларини ўрганиб чиқиб, белгиланган тартибда аниқланган камчиликларни бартараф қилиш;

**1.2.** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан маҳаллий бюджетлар параметрларини қабул қилиш ҳамда унга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарорларини амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш юзасидан Маҳаллий ҳокимиятларга тегишли кўрсатмаларни бериб бориш;

**1.3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорларда белгиланган бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш меъёрларини "Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими"га нотўғри киритилишини бартараф этиш;

**1.4.** Аниқланган **322,9 млрд.сўм**лик тафовутни бартараф қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботида қайд этилган прогноз кўрсаткичларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ-4086-сонли қарорида белгиланган Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичларига мувофиқлаштириш;

**1.5.** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва унинг иловалари (1-3-ж жадваллар) маълумотлари ўртасидаги тафовутларни келиб чиқиш сабабини аниқлаб, камчиликларни бартараф этиш;

**1.6.** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва Давлат солиқ қўмитаси (“1-Н” ҳисобот шакли) ҳисоботларидаги маълумотларни ўзаро мувофиқлаштириш, маълумотларга нисбатан аниқланган 31 та даромад тури бўйича 512,8 млн.сўмга кам, 26 та даромад тури бўйича эса 434,9 млн.сўмга кўп кўрсатилган даромадлар бўйича фарқ суммани бартараф этиш;

**1.7.** Ҳисоб палатасининг 2018 йил якуни юзасидан Давлат бюджетининг ташқи аудитида берилган божхона тўловларини автоматик тарзда Давлат бюджетига ўтказилишини назарда тутувчи Божхона кодексига тегишли ўзгартиришларни киритиш чоралари кўрилмаганлиги ҳамда техник шартлар жорий этилмаганлиги сабабли, 2019 йил Давлат бюджетига божхона тўловлари муддатида келиб тушмаган. Шунга асосан, 2020 йилда божхона тўловларини автоматик тарзда Давлат бюджетига ўтказилишини назарда тутувчи Божхона кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва техник шартларни жорий этиш;

**1.8.** Божхона кодексида белгиланган талабларга кўра уч йил давомида ҳаракатсиз пул маблағларини Давлат божхона қўмитасининг маълумотлар базасида автоматик шакллантириш тизимини яратиш ва шакллантирилган пул маблағларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг тегишли даромад кодларига ўтказиш;

**1.9.** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (эски таҳрир) 339-моддасида консуллик йиғимлари бюджет даромадига ўтказилиши назарда тутилганлиги, шунингдек амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибга риоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2019 йилда ундирилган консуллик йиғимларининг 21 040,9 минг. АҚШ доллари *(миллий валютадаги эквивалентда валюта курсини ўртача 9 000 сўмдан ҳисоблангандa 189,4 млрд.сўм)* Давлат бюджети даромадларида акс эттирилишини таъминлаб, **Давлат бюджетининг 2019 йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи**га ўзгартириш киритиш;

**1.10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сонли қарорнинг 6-бандида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, Давлат бюджети даромадлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши, даромад манбаларининг тўлиқ акс эттирилишини таъминлаш. Молия ва солиқ сиёсатини, молиявий бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар шаклини қайта кўриб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш бўйича тартиб ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитаси томонидан биргаликда тасдиқлаган ҳолда тақдим этиш тартибини жорий қилиш.

**II. Давлат бюджети харажат қисмининг ижроси.**

**2.1.** Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботда иш ҳақи жамғармаси режа ва ҳақиқий харажат кўрсаткичлари билан давлат бюджетининг харажатлар ижроси тўғрисидаги ҳисобот ўртасида аниқланган **4 905,6 млрд.сўм** миқдоридаги тафовутларни бартараф этиш.

**2.2.** 2020 йил 1 январь ҳолатига бюджет маблағлари бўйича иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича 27,6 млрд.сўм ва иш ҳақига ажратмалар бўйича 7,8 млрд.сўм, жами ортиқча кўрсатилган **35,4 млрд.сўм** миқдоридаги кредитор қарздорликни камайтирган ҳолда тўғрилаш.

**III. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг 2019 йилдаги даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи бўйича.**

**3.1.** Жамғарма ҳисоботида йил бошидаги қолдиқда кўрсатилмаган **29,1 млн.сўм** миқдоридаги маблағларни акс эттириш.

**3.2.** Жамғарма ҳисоботида кўрсатилган харажатларнинг аниқланган режасига **15,0 млрд.сўм** миқдорида тузатиш киритилган ҳолда, ушбу кўрсаткични Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сонли қарори билан белгиланган харажатлар режасига тенг миқдорда кўрсатиш.

**3.3.** Давлат молиясини бошқариш автоматлаштирилган тизимида жамғарма ҳисоботини тўлиқ ва тўғри юритилишини таъминлаш. Жумладан, тизимда ортиқча кўрсатилган **355,0 млн.сўм** даромадларни камайтирилиши ва кам кўрсатилган **40,0 млрд.сўм** миқдоридаги қолдиқ маблағларни тўғри акс эттирилишини таъминлаш.

**IV. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасининг 2019 йилдаги даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи бўйича.**

**4.1.** Жамғармага келиб тушган ва даромадлари таркибида кўрсатилмаган **619,4 млн.сўм** миқдоридаги маблағларни ҳисоботда акс эттириш.

**4.2.** Давлат молиясини бошқариш автоматлаштирилган тизимида жамғарма ҳисоботини тўлиқ ва тўғри юритилишини таъминлаш ва ҳисоботда аниқланган **71,4 млрд.сўм** миқдоридаги тафовутларни бартараф этиш.

**V. Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг 2019 йилдаги даромадлари ва харажатлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботи бўйича.**

**5.1.** Жамғарма ҳисоботида кўрсатилмаган йил бошидаги **381,9 млн.сўм** қолдиқ маблағни акс эттириш.

**5.2.** Харажатлар аниқланган режасида нотўғри кўрсатилган **5,5 млрд.сўм**ни тегишли таснифдаги харажатлар режасида тўғри кўрсатиш.

**5.3.** Ташқи аудит жараёнида аниқланган **1,6 млрд.сўм** миқдоридаги даромадлар ва харажатлар бўйича тафовутларни ва йил охиридаги қолдиқ маблағ кўрсаткичини тўғрилаш.

**5.4.** Давлат молиясини бошқариш автоматлаштирилган тизимида жамғарма ҳисоботини тўлиқ ва тўғри юритилишини таъминлаш ва ҳисоботда аниқланган **85,5 млрд.сўм** миқдоридаги фарқларни бартараф этиш.